



# MILLIY TIKLANISH

14 (75) 2010 йил 7 апрель, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz



## Сопол буюмлар

Узоқ йиллик тарихга эга бўлган Жиззах шаҳрида кулолчилик, сополчилик, иморатсозлик яна ривожланаётгани, маҳсулотларнинг бежиримлиги кишида фахр-ифтихор хиссини уйғотади.

5-бет



## Шимолий баҳсли ҳудуд

Ҳозирча даъвогар мамлакатлар ўз стратегиялари бўйича ҳаракат қилишмоқда. Қизиғи шундаки, бир неча ўн йилликка чўзилиши тахмин этилаётган мазкур мавзудаги баҳслар билан яқин келажакда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам шуғулланиши мумкин.

7-бет



## Бу йилги баҳор қандай бўлади?

"Ўзгидромет"нинг барча вилоятларда ўрнатилган 79 та метеорологик станциялари ва ҳар 3 соатда шимолий ярим шардан олиб туриладиган маълумотлар асосида об-ҳавонинг ана шундай тахминий кўрсаткичлари белгиланган.

8-бет

МТ

БУГУНГИ  
СОНДА:

|                                                    |       |
|----------------------------------------------------|-------|
| СИЁСАТ                                             | 2-бет |
| Мамлакатни модернизациялаш                         |       |
| ПАРТИЯ ҲАЁТИ                                       | 3-бет |
| "Баркамол авлод — Ватан таянчи"                    |       |
| Аёллар маънавий камолоти                           |       |
| ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ҲАЁТ                                | 4-бет |
| Миллий мафкура ва экологик маънавият               |       |
| Табиат қўриқхоналари                               |       |
| МАЪНАВИЯТ                                          | 5-бет |
| Миллий кино: ютуқ ва тажрибалар                    |       |
| "Ўткан кунлар" зиёси                               |       |
| ЖАРАЁН                                             | 6-бет |
| Ўрта маълумотли мутахассислар тайёрлашга масъулмиз |       |
| Қонунлар ижроси мониторинги: назария ва амалиёт    |       |
| ХАЛҚАРО ҲАЁТ                                       | 7-бет |
| Саёхат ишқибозлари                                 |       |
| Дунёдан дараклар                                   |       |
| НИГОҲ                                              | 8-бет |
| Ўн қарра мамлакат чемпиони                         |       |

## МУНОСАБАТ

## Умрибоқий қадриятларимиз

ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ



Истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аждодларимиз бебаҳо мероси, миллий маданиятимиз, санъатимиз, умрибоқий анъана ва қадриятларимизни қайта тиклаш, асраб-авайлаш, янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу каби эзгу ишлар замирида халқимиз, айниқса ёш авлод онг-шуурига она Ватанимизга муҳаббат, миллий ва маънавий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини синдириш масаласи ётади.

Шу ўринда мамнуният билан таъкидлашни истардимки, давлатимиз томонидан бизга берилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароит тўғрисида эътибор қаратилди. Бу каби эзгу ишлар замирида халқимиз, айниқса ёш авлод онг-шуурига она Ватанимизга муҳаббат, миллий ва маънавий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини синдириш масаласи ётади.

Президентимизнинг 1997 йилда қабул қилинган "Халқ амалий санъати ва бадиий ҳунармандчилигини ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ Республика "Хунарманд" уюшмаси

ташқил этилиши аниқ муддао бўлди. Мазкур ташкилот уста ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш баробарида уларнинг маҳсулотларини чет элларда намойиш қилишига ҳам яқиндан ёрдам бермоқда.

Бугун миллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган халқ ҳунармандларининг рағбатлантирилиши бизга гурур ва ифтихор бағишлайди. Яқинда Ўртбошимизнинг матбуот-да эълон қилинган "Халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармон халқимиз қадриятларини асраш ва ривожлантиришга ҳисса қўшаётган мазкур соҳа вакиллари бирдек қувонтирди.

Албатта, ҳар бир соҳа вакили биринчи навбатда юксак эътибор, астойдил меҳнат орқали қўлга келтирилган натижаларга эришади. Президентимизнинг ушбу Фармони орқали халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмлари ишлаб чиқариш бўйича уй шароитида яқиндаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиб соҳа ривожига ҳисса қўшаётган ҳунармандларнинг солиқдан озод қилинганлиги эътиборга сазовор. Дарвоқе, бугун ҳар бир ҳунар аҳли ушбу имконият ҳақида гапирар экан,

улар меҳнатлари қадр топаётганлигидан хурсанд. Ҳа, меҳнатнинг муносиб қадрланиши янгидан — янги марралар сари ундайди. Бундан ташқари қадриятларимиз давомчилари яна икки йилга солиқ тўловларидан озод қилиниши, эндигина фаолиятини бошлаган ёш ҳунармандларнинг моддий томондан оёққа туриб олиши ва умрибоқий қадриятларимизни янада ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшиши учун кенг имкониятлар яратилади.

Замон шиддат билан ривожланиб борар экан, олдимиздаги талаб ҳам ошиб, ўзгариб бораверади. Бугунги кунда миллий маҳсулотларимизга хорижликларнинг қизиқиши ортаётганлиги ва маҳсулотларимиз аҳолининг кундалик эҳтиёжига айланиб бораётганлиги фаолиятимизни янада кенгайтиришни тақозо қилади. Бу борада махсус лойиҳалар ишлаб чиқиб, ҳунармандларнинг иқтисодий имкониятларини янада яхшилаш, соҳага оид қонунларни такомиллаштириш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсадларидан ҳисобланади. Шунингдек, сайловолди Ҳаракат дастурида соҳамиз вакиллари манфаатларига қаратилган миллий ҳунармандчиликнинг барча турларини такомиллаштириш, халқ ҳунармандчилигига хос бўлган "устоз-шогирд" анъанавий мураббийлик институтини сақлаган ҳолда бу соҳани янада ривожлантириш учун шароитлар яратилишига кўмаклашиш каби вазифалар ва уларни амалга ошириш борасида партия томонидан олиб борилаётган амалий ишларни ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу Фармон ЎзМТДПга электорати манфаатлари йўлидаги ана шундай сазй-ҳаракатларини янада кучайтиришга кенг йўл очади.

Биз ҳунармандларни доимий равишда қўллаб-қувватлаётган, имтиёзлар бериб, фаолиятимизни кенгайтиришга шарт-шароитлар яратиб бераётган муҳтарам Ўртбошимиздан чексиз миннатдоримиз. Юксак эътиборга жавобан миллий ҳунармандчилигимиз шухратини дунёга таътиш фаолиятимизнинг асосий мезони бўлиб қолавермади.

Наргиза ҲАМДАМОВА,  
ЎзМТДП аъзоси,  
ҳунарманд

## АКЦИЯ

## Биз — бир жамоа

ЖОРИЙ  
ЙИЛНИНГ 31  
МАРТИДАН 22  
АПРЕЛИГА  
ҚАДАР  
ЮРТИМИЗ  
БЎЙЛАБ  
"БИЗ — БИР  
ЖАМОА"  
АКЦИЯСИ  
ЎТКАЗИЛАДИ

"Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг 30 га яқин фаолларидан таркиб топан ушбу гуруҳ узоқ қутилган сафарни кўтаринки кайфиятда бошлашди. Айтиш жоизки, йилдан-йилга ёшларимизнинг "Келажак овози" Республика кўрик-танловига бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Иқтидорли ва қобилиятли ёшларимиз томонидан тақдим этилаётган турли мавзулардаги лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилинаётгани, уларнинг қўллаб-қувватланаётгани танловнинг юксак самарасидан далолат.

Акция доирасида республикамиз ёшлари ўзлари учун қизиқarli бўлган маълумотларни олишга эришади. Шунингдек, ранг-баранг учрашув, анжуман, давра суҳбатлари, семинар-тренинглари, ёшлар форуми ўтказилиши режалаштирилган. Мазкур акцияда барча вилоят ёшлари фаол иштирок этиб, ўз истеъдодларини намойиш қилишига, яратилаётган бу каби имкониятлардан тўлиқ фойдаланишларига ишонамиз.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА

## ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Йигирманчи асрнинг охирига келиб сўзнинг қудрати амалий қийфа касб этди. Ўзингиз ўйланг, бугун фикрни тарқатишга тўсиқ бўлгувчи бирор бир куч қолдими? Қолаверса, фикр дунёнинг бир бурчагидан иккинчи бир бурчагига ёруғлик тезлигида етиб бормоқда. «Медиақратия», яъни оммавий ахборот воситаларининг ҳукмронлик мавқеи ҳақидаги тушунчаларнинг пайдо бўлиши, аниқ шу иборанинг кейинги пайтларда бот-бот тилга олинаётгани ҳам унинг кишилиқ жамиятида муҳим, ҳал қилувчи ролга эга бўлиб бораётганидан далолат. Албатта, ҳар қандай воситадан ҳар ким ҳар хил мақсадда фойдаланади.

## Мамлакатни модернизациялаш

ЖАРАЁНИДА ОАВ МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

ОАВ жамоатчилик фикрига таъсир қилишининг энг самарали воситасига айланди. Президентимиз таъкидлаганларидек, "...энди совуқ урушлар даври ўтди". Қурашлар ахборот майдонига кўчди. Бу майдон ҳатто ядро полигонларидан-да хавфлироқ экани, информаион хуружлар нишонига айланиб қолмаслик учун маънавий

иммунитетни кучайтириш зарурлиги, жамиятда ҳам, инсон онгида ҳам бўшлиқ қолдирмаслик лозимлиги ҳақида бундан бир неча йил олдин Ўртбошимиз ўзларининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» номли асарларида бот-бот таъкидлаганлар.

2-бет

## 9 АПРЕЛЬ — СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

## Амир Темур ва Европа

Дунёнинг турли бурчақларида таниқли давлат ва жамият арбоблари, олимлар ва адиблар ўз ижтимоий-сиёсий, илмий ва ижодий фаолияти давомида буюк аждодларимиз, хусусан Соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳон цивилизацияси ва маданияти ривожига қўшган муносиб улуғлиги юксак баҳолаб келмоқда. Халқаро жамоатчилик улуғ бобокалонимиз шахсига бундай беҳад улкан эътибор ва эҳтиром билдириб турганига дувоҳ бўлиш бул зотнинг ворислари Фатимадиз, ўзбекистонликларга катта мамнуният ва фахр-ифтихор бағишлайди.

4-бет



## МАРОСИМЛАР

Башарият тарихи шунинг кўрсатмоқдаки, миллат ва халқларга хос бўлган маросим, анъана, урф-одат ва қадриятлар ҳар қандай даврда азиз ва муътабардир. Зеро, улар инсонлар қадрлагани учун ҳам қадриятдир ва йўқолмайди. Арқон тортиш, ўтин ёриш, лапар айтиш, мушоира, баҳс ва турли хил айтишулар ҳали ҳам унутилгани йўқ. Табиийки, тўйларимиз ҳам керагича замонавийлашаётир. Барибир ҳар қандай тараққиёт самимийлик ва миллийликни сиқиб чиқара олмайди. Айниқса, техника тараққиёти, глобллашув даври ҳисобланмиш ушбу XXI асрда самимийлик ва миллийлик жуда ҳам зарур.

## Янги давр анъаналари

«КУТИЛМАГАН СОВФА»,  
«КОНВЕРТ САВОЛЛАРИ», «ГУЛБАЗМИ»...

6-бет



## СИЁСАТ

ДЕПУТАТМИНБАРИ

## Мамлакатни модернизациялаш

ЖАРАЁНИДА ОАВ МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

(Давоми.  
Боши 1-бетда)

Савол туғилади: ҳўш мана шундай шароитда бизнинг тутган истеҳкомимиз нимадан иборат бўлмоғи лозим. Шу ўринда Захириддин Муҳаммад Бобурнинг: «...алар тош кўтариб чиқсалар, биз бош кўтариб чиқурмиз» де-

ларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва вазифасига юксак баҳо бериб, уни янада мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақида қимматли фикр ва мулоҳазаларини баён этдилар. Бир нарсани тан олиш керакки, бу заруратни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Чунки эркин фуқаролик жамиятининг талабларидан бири фу-

қадрлар тайёрлаш, миллий журналистика мактабини ривожлантириш, ахборот макониде соғлом рақобат ҳамда давлат ва шахснинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида ОАВ моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади». Шу ўринда партия ва партия фракциясининг юқоридаги вазифаларни амалга ошириши масаласига тўхталадиган бўлсак, бу борада аллақачон амалий қадамлар ташланди деб айтиш мумкин. Айниқса, партиянинг матбуот органи бўлган «Миллий тикланиш» газетасида соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш бўйича таҳлилчи материаллар берилди бошланди. Фракция аъзолари эса «Телерадиошиттириш тўғрисида»-ги қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида.

Хар бир оммавий ахборот воситалари у газета бўлади-ми, телерадио ёки интернет тармоғидаги сайтларимизми, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, юртимизда ва хорижда бўлаётган воқеаларни ҳолисона ёритиш, медиамаҳсулотлар тайёрлашда журналистлар маҳоратини намоён этиш орқали ҳалқимиз ҳаётида ўз кучига эга бўлмоғи лозим. Ўшанда одамлар қайсидадир сиёсий кучлар томонидан молиялаштирилиб, ўшаларнинг гаразли ниятларини амалга ошириб келаётган эфир, тўқинлар, босма ёки электрон ахборот нашрларида босилаётган айрим ёлгон ва бўхтон-

ган сатрлари ёдга тушади. Сирасини айтганда жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозим деганда давлатимиз раҳбари шунини назарда тутган эдилар. Фикрга қарши унданда кучли фикримиз, бузғунчи ғояга қарши миллий ғоямизни илгари сўра олиш қобилиятига эга бўлишимиз шартлиги ҳақида сабоқ берган эдилар.

Бу даъват шунчаки қақридан иборат бўлиб қолмади. Худди шу масала давлатимиз сиёсатининг устувор вазифасига айланган ҳам баайни ҳақиқат. Узини ўзи бошқарув институтларини шакллантириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини таркиб топтириш, она ва бола муҳофазаси, оила раънақи, соғлом авлод тарбияси ва бошқа кўплаб йўналишларда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар сўзимизнинг яққол исботи бўлади. Таъкидлаш жоизки, қонунлар устувор бўлган эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида авваламбор мамлакатимизнинг сиёсий-иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини яратилди. Бош қомусимизнинг хар бир боби, хар бир моддасида бунинг мисолини кўришимиз мумкин. Қийсалаб кўрганимизда эса у яна ҳам яққол намоён бўлади. Масалан, давлатимиз раҳбари ўз сўзларида бот-бот бир ҳақиқатни такрорлайдилар. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар пировардида бир максадга — инсон манфаатларига хизмат қилишини уқтирадилар. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 13-моддасида белгиланб қўйилган инсон шайни ва унинг кадр-қиммати энг олий

**Мамлакат сиёсий майдонида миллий манфаатларнинг ҳимоячиси сифатида фаолият юритаётган Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг сайловолди Дастурида ҳам мазкур муҳим масала ўз аксини топган.**

рини жонлантириш баробарида медиамаҳсулотлар сифати ва таъсирчанлигини ошириш куннинг долзарб вазифасига айланди. Бугун дунё бозорида энг қиммат маҳсулот — фикр! Энг тезкор технология ҳам ахборот тарқатиш воситаларидир. Биргина интернет глобал тармоғини мисол тариқасида олайлик. Биз ундан имкон қадар кўпроқ жой эгаллашни, унинг фаолиятдан ўзимизнинг эзгу мақсадларимиз йўлида унумли фойдаланишни ўйлаганимиз кўпроқ наф келтиради.

Мамлакат сиёсий майдонида миллий манфаатларнинг ҳимоячиси сифатида фаолият юритаётган Ўзбеки-

дан иборат ахборотлар эмас, балки ўз матбуотимиз орқали тезкор ва ҳолис ахборотга бўлган талаб ва эътиҳларини қондирадилар.

Шу ўринда мамлакатимизда шахс ва матбуот эркинлиги, унинг қонунлар доирасида эркин фаолият кўрсатиши ва ривожланиши учун кенг имкониятлар мавжудлиги ва бу мустақил телерадиоканалларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватланаётганида, нодавлат оммавий ахборот воситаларининг тобора кенгайиб бораётганлигида ўз аксини топаётганлигини таъкидлаш жоиз. Эндиги навбатда уларнинг фаолият доирасини янада кенгайтириш, таъсирчанлигини ошириш ва иқтисодий ҳамда ҳуқуқий асосларини таркиб топтириш вазифаси олдимизда кўндаланг бўлиб турибди. Президентимиз бу борада Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси олдиға аниқ масалаларни қўйдилар ва бу муносабат ҳалқимиз, айниқса, оммавий ахборот воситалари ходимлари томонидан илиқ кутиб олинди. Шу ўринда бир гап. Миллионлар қарашида туриб фикр айтиш, ахборот тарқатиш шарафли касб. Модомики шундай экан, бундай имкон ва ишонч шу соҳа ходимларининг зиммасига бунданда улкан масъулият юклашини ҳам унутмаслик керак. Жумладан, «медиақратия» матбуот бошбошқоқлиги эмас, балки унга берилган ишонч тарзида қабул қилинмоғи, ОАВнинг бунга жавобан фаолияти юрт раънақи ва ҳалқ манфаатларига муносиб хизмат қилишдан иборат бўлмоғи лозим.

**Арслон ЭШМУРОДОВ,**  
**Олий Мажлис**  
**Қонунчилик палатаси**  
**депутати, ЎзМТДП**  
**фракцияси аъзоси**

## АНЖУМАН

**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг дастурий мақсадларида юртимизнинг шонли тарихини, жумладан миллатимиз маънавий олами, жаҳон илмий тафаккурининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган аждодларимиз меросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган. Тарихимиздаги ана шундай ёрқин сиймо Соҳибқирон Амир Темур мероси ҳалқимиз миллий ғурурини юксалтириш, шунингдек, баркамол авлодни ватанпарвар қилиб тарбиялашда бекиёс аҳамиятга эга.**

**Аброр УМАРКУЛОВ,**  
**«Milliy tiklanish» мухбири**

Шу боис ҳам у ҳалқимизнинг фахрифтихори ва ғурурига айланган. Президентимиз Ислам Каримов ҳам бу буюк зотнинг миллатимиз тарихи олдидаги жасоратини эътироф этар экан, унга «Ҳаммамиз яхши биламизки, тарихда машҳур жаҳонгирлар кўп ўтган. Лекин айтинг, дунёнинг қайси ерида, қайси замонда Амир Темурдек буюк саркарда, Амир Темурдек буюк давлат арбоби, Амир Темурдек илм-фан, маънавият ва руҳоният ҳомийси бўлган» дея юксак баҳо берганлар.

Тошкент Ислам университетиде Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда ушбу университет ҳамкорлигида ўтказилган «Соҳибқирон Амир Темурнинг дунё цивилизациясида тутган ўрни» мавзусидаги илмий-амалий анжуман ҳам соҳибқирон бобомизнинг сиймоси, ҳаёт йўли, ижтимоий-сиёсий фаолияти, у буюк зот қолдирган бой маънавий ва моддий меросини чуқур ўрганиш ҳамда кенг тарғиб қилишга бағишланди.

Ушбу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тарихчи олимлар, ёшлар ва ОАВ вакиллари иштирок этишди. Анжуманни Тошкент Ислам университети ректори Р.Абдуллаев кириш сўзи билан очиб, мазкур тадбир буюк Соҳибқирон бобомиз таваллуд кунидан олдин ўтказилаётганлигини, мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Амир Темур шахси яна Ватан ва миллат тисолига айланганини, унга дунё ҳамжамияти ҳам ҳамиша юксак эҳтиромда

**Акмал САИДОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**

— Европа олимлари Амир Темур сиймосини ҳарбий, иқтисодий, маънавий ва илмий нуқтаи назардан ўрганишди. Энг аввало, улар буюк Темурнинг ҳарбий тактикасиға кенг-роқ ёндашишди. Чунки, саркарда тудайли Европа Йилдирим Боязиднинг зарбаларидан сақланиб қолган. Йилдирим ўша пайтларда французлар бошчилик қилган бутун Европа бирлашган қўшинини ҳам мағлубиятга учратиб, ғарбнинг ярмини босиб олган эди.

Соҳибқироннинг ҳарбий стратегияси Франциядаги ҳарбий билим юртларида шу кунгача ўргатилиб келинади. Француз мутахассисларининг фикрича, ҳарбий стратегияға қўшин таркибига ўнг, сўл ва авангард қисмларини илк бор Амир Темур киритган. Шунингдек, дунёда биринчи бўлиб ҳозирги кундаги мавжуд доимий армияни бобомиз ташкил қилиб, аскарларнинг бир хилда фан-инишини жорий этган.

Шу билан бирға уларнинг илмий қизиқиши бениҳоя таҳсинға лойиқ. Эътиборлиси Европа, айниқса, француз темиршунослиги 600 йиллик тарихға эға бўлиб, бугунги кунда ҳам Темур ва темирйўлар даври ўрганилиб келинмоқда. Улар бир неча йўналишлардан иборат бўлган. Дастлаб, шарқдаги барча Амир Темурға оид бирламчи қўлёзма манбалар француз тилиға таржима қилинган. Ундан сўнг илмий манбалар ўрганилган. Учинчи босқичда эса темирйўлар жамиятлари, жамғармалар ташкил қилинган. Ундан ташқари Европада шарқшунослик доирасида

## Буюк Соҳибқироннинг

ДУНЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ МАВЗУСИДА ЎЗМТДПНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ФРАКЦИЯСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН АНЖУМАН ПАРТИЯ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИГА ҲАМОҲАНГЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРДИ



эканлигидан фахрланишимиз лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Амир Темур олим, файласуф, меъмор, шоир, ҳофизу машшоқларға юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатган. Илм-фан, маданият ва маорифнинг беҳад раънақ топишини таъминлаб, ўз даврини Шарқ уйғониш давриға айлантира олган.

Бунёдкорлик бобомизнинг энг катта ҳаётий ғояси бўлганлигини тузуқларида ёзиб қолдирган қуйидаги битикларидан ҳам англаб олишимиз мумкин. «Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрниға ўн ғишт қўйдирдим, қай бир жойдан бир дарахт кестирсам, ўрниға ўнға қўчат эктирдим».

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари У.Муҳаммадиев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, таниқли олимлар Х.Бобоев,

Н.Ҳабибуллаев, С.Олимов буюк бобомиз Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятиға тўхталар экан, Франция, Буюк Британия, Германия ва бошқа Европа мамлакатларида Амир Темур сиймосиға «Европанинг ҳалоскори» деб баҳо берилишини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Маърузачилар Соҳибқирон бобомизнинг тузуқларидаги панд-насихатларнинг келажакимиз эгалари бўлиш ёшларни чин маънода юртға садоқатли, матонатли ва ҳақиқий ватанпарвар инсон қилиб тарбиялашдаги бекиёс ўрни ҳақида атрофлича фикр юритдилар.

Дарҳақиқат, умрининг мазмунини «Миллатнинг дардлариға дармон бўлишдан иборат» деб билган, буюк Соҳибқирон мероси келгуси авлодлар учун чинакам ҳаёт мактабидир.

Шунингдек, Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари ижросидаги «Соҳибқирон» спектаклидан саҳна кўринишлари, Тошкент Ислам университети талабаларининг «Темур тузуқлари» асари асосидаги чиқишлари тадбирға янада файз бағишлади.

казлашган давлат тузиш билан бирға маданият, илм-фан, давлатлараро муносабатлар ва дўстона алоқалар, ҳунармандчилик ва савдо-сотик ривожига қўшган салмоқли ҳиссасини ёш авлодға ибрат сифатида кўрсатиб беришдан иборат.

**Ҳалим БОБОЕВ,**  
**профессор, Юристлар**  
**малакасини ошириш**  
**институтини раҳбари:**

— Амир Темур ёшлигидан бошлаб она юртини мўғул босқинчиларидан озод қилишни ўз олдиға мақсад қилиб олди. Ер юзида буюк салтанат соҳиб сифатида эл ва элатларнинг бошини қовуштирди. Мамлакат кудратини ҳар соҳада юксаликка кўтариб, дунёға машҳур қилди.

Унинг давлат қурилиши, ҳарбий санъати кўп асрлар давомида Шарқу Фарб давлатлариға ўрнат ва андоза бўлди. Замонасида маданият, илму фан, меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа, шеърят бекиёс ривож топди. Ҳалқимизнинг кўп аънаналари тақомилға етди. Айниқса, давлатчилик бошқарув тизими, ички ва ташқи сиёсат тартиб қоидалари, ҳуқуқий асослари янги тарихий шароитда тақомиллаштирилди. Шу даврда миллий давлатчилик тарихимиз энг юксак ривожланган нуқтасига кўтарилди. Мустақилликнинг илк даврларида янги қураётган давлатимизнинг бошқарув тизими, суд ва прокуратураси қандай бўлиши керак, деган масала кўндаланг бўлганда Президентимиз бошчилигида унинг ечими Амир Темурнинг давлат бошқарувида излангани ҳам беҳижға эмас. У ўз давлатини ақл-заковат ва қонун кучи билан идора этган. Бу борада Соҳибқирон ўз тузуқларида шундай дейди: «Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш тадбир ва машварат, қолган бир улшини қилич билан амалға оширдим

**Сирасини айтганда, жаҳолатға қарши маърифат билан курашиш лозим деганда давлатимиз раҳбари шунини назарда тутган эдилар. Фикрга қарши унданда кучли фикримиз, бузғунчи ғояға қарши миллий ғоямизни илгари сўра олиш қобилиятиға эға бўлишимиз шартлиги ҳақида сабоқ берган эдилар.**

қадрият экани ҳақидаги жумалар эса бунинг қонунларимиздаги ифодаси бўлса, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш йўлида олиб борилаётган янгилаш жараёнлари том маънода юқоридаги сўзларнинг амалдаги тасдиғидир.

Муҳтарам Президентимизнинг 2010 йил 27 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишдек устувор вазифалар юзасидан сўзлаган маърузаларида бир қатор масалалар қатори ОАВ-

стон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг сайловолди Дастурида ҳам мазкур муҳим масала ўз аксини топган. Масалан, «партия ОАВлари чинакам мустақиллиги ва фаолиятини бундан бўён ҳам таъминлаб бориш, уларнинг мамлакат миллий манфаатларини хар томонлама илгари суришдаги, Ўзбекистон халқининг ноёб маданий ва маънавий қадриятларини тарғиб қилишдаги ролини ошириш, шунингдек янгилаш ва модернизация қилиш жараёндаридаги таъсирчанлигини кучайтиришға муҳим аҳамият беради. Бунда журналист



# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

## ТАДБИР



## Биз баркамол авлодмиз

ТАДБИРИ МИНГЛАБ ЁШЛАРНИ ЧОРЛАДИ

**Мустақилликнинг илк кунлариданоқ келажакимиз эгалари бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ташаббус ва иқтидорларини юзага чиқариш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, ёш авлоднинг таълим-тарбиясини кучайтириш, маънавий камолотини юксалтиришга йўналтирилган изчил ислохотлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Мазкур йўналишдаги ишларда уларнинг уюшқоқлиги, ҳамфикр ва бирдамлигига эришиш муҳим роль ўйнайди. Бу борада ЎзМТДПнинг ҳам ўзига хос вазифалари бўлиб, буни партия «Ёшлар қаноти» фаоллари томонидан ўтказилаётган турли йўналишдаги маданий-маърифий тадбирлар мисолида кўриш мумкин.**

**Камола АБДУВАЛИЕВА,**  
ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши  
матбуот котиби

Яқинда ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши томонидан Андижон туман ҳокимлиги,

туман прокуратураси, туман ИИБ, туман ХТБ билан ҳамкорликда мингдан зиёд ёшлар

иштирокида вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш, улар орасида тарбиявий ишларни кенг йўлга қўйишга қаратилган «Биз баркамол авлодмиз» мавзусидаги тадбир ҳам ана шу мақсадларни ўзида қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир. Карнай-сурнай садоари остида бошланган тадбирни туман ҳокими Аҳмаджон Акбаров очиб, жумладан шундай деди:

«Ватанимиз азалдан маънавий бешиги бўлиб келган. Биламизки, маънавият келажак пойдеворидир. Мазкур тадбир ёшларимиз оғининг маънавий юксалишида, уларни ватанпарвар, халқи, миллий урф-одатлари, тарихий ўтмишига ҳурмат руҳида тарбия топишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Тадбирда сўз олган ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девони раҳбари А.Мадаминов ёшлар ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни,

хусусан ЎзМТДПнинг ёшлар сиёсати борасидаги фаолиятига батафсил тўхтади.

Тадбир доирасида миллий спорт мусобақалари, китоб-хонлар ва билимдонлар танловлари ўтказилди. Шунингдек, партия вилоят кенгаши томонидан ноанъанавий тадбирлар ўтказиш бўйича танлов эълон қилиниб, унда барча ташаббускор ёшлар ўз гоё ва тақлифлари билан иштирок этишга қақририлди. Кун бўйи давом этган тадбирда ёшлар миллий анъаналаримиз бўлган «Арг-имчоқ тортиш», «Оқ теракми кўк терак...», «Чиллак» каби халқ ўйинларида ўзаро куч синашдилар.

«Фаол ёшлар иштирокидаги мазкур тадбир бошқа анъанавий тадбирлардан тубдан фарқ қилади. Мингдан зиёд ёшлар кўрик-танловлар давомида соғлом, дўстона рақобатга киришдилар. Президентимиз таъкидлаганларидек, баҳс-мунозара, рақобат бор жойда ривожланиш бўлади. Энг қувонарлиси, давлатимизда олиб борилаётган ислохотларда ёшлар иштироки кучаймоқда. Бизнинг олдимиздаги энг катта вазифа эса тўғри йўлни танлаб, мустақиллигимизни мустақамлаш борасидаги саяёҳаракатларимиздан оғишмасликдир, дейди тадбир иштирокчиси С.Даминов.

Мазкур анжуман байрамоналиги, ноанъанавийлиги билан ёшлар хотирасида бир умрга муҳрланиб қолиши шубҳасиз. Санъат мактабининг ёш ғунчалари томонидан ижро этилган ғўзал куй-қўшиқ ва рақслар каттаю кичикка бирдек манзур бўлди. Нафақат ёшлар, балки фахрийлар ва маҳалла оқсоқолларининг иштироки унинг кенг қамровлигидан далолат беради, дейди Андижон вилоят кенгаши депутати Салимжон Иминов.

Тадбир давомида фахрийларимиз билан самимий суҳбат қўридик. Уларнинг ҳаёти биз учун ибрат, намуна ва тажриба мактаби эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик, дейди ёшлар вакили Ж.Нишонов.

Танлов якунида фаол иштирокчиларга ҳомийлар ва партия вилоят кенгаши томонидан эсдалик совғалари топширилди.

## Миллий қадриятлар — миллий манфаатлар асоси

МАВЗУСИДАГИ ТАДБИР ЎЗМТДПНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДЛАРИНИ ЎЗИДА ИФОДА ЭТДИ

ва жумладан шундай деди:

«Партиямиз сайловолди Ҳаракат дастурида «ЎзМТДП ўз Ватанини севган ва унинг миллий-маънавий қадриятларини ҳурмат қилувчи ёшларни ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги етакчи куч, бошлаган эзгу ишларимизнинг давомчиси деб, биланди», дея белгиланган.

Шундан сўнг, Қашқадарё вилоят кенгаши депутати С.Махматмўминов сўз олди:

«Халқимизнинг илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш ва эришилган ютуқларни

даги асосий вазифадир. Зеро, биз бу фаолиятимиз билан сайловолди Ҳаракат дастурида белгиланган «...маданий-тарихий ёдгорликларни қўз қорачиғидек асраш, уларни келгуси авлодга бус-бутун етказиш...» ишига ҳар томонлама қўмақлашган бўламиз.

Шунингдек, семинарда сўз олганлар истиклол йилларида давлатимиз дунё ҳам-жамиятида, халқаро муносабатлар, миллий иқтисодий ва маънавий юксалтириш борасида улкан тарихий йўлни босиб ўтганлиги ҳақида тўхтадилар. Айниқса нотиқ-

**«Мақсадимиз Ўзбекистон фуқароси онгиди Ўз мамлакатининг тарихий ўтмиши, бугунги кун ва келажак учун фахрланиш туйғусини тарбиялаш ва мустақамлаш!» ЎзМТДПнинг асосий шиори ҳисобланади**

ЎзМТДП Дастуридан

улғаяётган авлод ўртасида кенг тарғиб қилишга фаолиятимизда алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бугунги семинар ана шу мақсад йўлидаги амалий саяёҳаракатларимизнинг узвий давоми бўлди, десак хато бўлмайди. Бироқ ҳали қилишимиз лозим бўлган ишлар кўп.

Юртимиз тарихий обидалар, маданий ёдгорликларга бойлиги билан жаҳонда ўз ўрнига эга. Маданий ёдгорликларимизнинг ҳали кўпчиликлари маълум бўлмаганлари, таъмирга муҳтожлари бор. Уларни аниқлаш, лозим бўлса қайта таъмирлаш ишларига жойлардаги мутасадди ташкилот раҳбарларини жалб қилиш депутатлар зиммаси-

лар шахс, давлат ва жамиятнинг маънавий, ҳуқуқий қиёсасини ўзаро уйғун ҳолда юксалтириш сари қўйилган улғувор қадамлар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этаркан, мазкур жараёнларда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бораётганидан келиб чиқиб ЎзМТДП ҳам юртимиз тинчлиги, ҳавфсизлиги ва фароғлигини мустақамлаш йўлидаги ислохотларда амалий ҳаракат билан фаол иштирок этиши лозимлигини қайд этдилар. Ўзгариш вазифалар белгилаб олинди.

Семинар савол-жавоб, баҳс-мунозалар тарзида ўтди.

## ЎЗМТДП ХРОНИКАСИ

## Тадбирлар

ЖАМИЯТДА ПАРТИЯНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

ЎЗМТДП  
Ахборот хизмати

**ТОШКЕНТ.** Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида сўзлаган «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» мавзусидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга қаратилган семинар ЎзМТДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши томонидан Республика Маънавият тарғибот маркази туман бўлими ҳамкорлигида ўтказилди. Унда партия туман кенгаши фаоллари, маҳаллий кенгашлар депутатлари, туман ҳокимлиги вакиллари ҳамда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ходимлари иштирок этдилар. Семинарда Юртбошимиз маърузасида таъкидланган партия ташкилотлари олдида турган вазифалар кенг таҳлил этилди.

Партия сайловолди Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ЎзМТДП Юнусобод туман кенгаши томонидан ташкил этилган «Энг яхши ҳамшира» кўрик-танловининг финал босқичи ўз ниятисига етди. Шаҳримиздаги «Чинобод» сыхатгоҳида ўтган мазкур танловда финал босқичига етиб келган 5 нафар иштирокчи «Тез тиббий ёрдам қўрсатиш», «Қасб маҳорати», «Биз гиёҳвандликка қаршимиз», «Пазандалик», «Алла айтиши санъати» ва «Баркамол авлод тарбиясида менинг ҳиссам» каби шартларда ўзаро беллашдилар.

Барча қатнашувчилар голиб бўлишга ҳақли даражада ўз маҳоратларини кўрсата олишди. Якуний ҳулосага кўра, Наргиза Ғуломова ва Муқаддас Шермухаммедова биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

Ҳақилар партия туман кенгаши томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**ЖИЗЗАХ.** ЎзМТДП Жиззах вилоят ва Мирзачўл туман кенгашлари томонидан ташкил этилган тадбир «Оғоҳликка даъват» мавзусида бўлди. Унда сўзга чиққан ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Ш.Мусаева, партия туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Б.Қамолов жамият тараққиётига тўсиқ бўладиган ёт гоғлар ва иллатларга қарши курашиш зарурлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

«Баркамол авлод-юрт истиқболи» мавзусидаги ЎзМТДП Жиззах шаҳар кенгаши томонидан ўтказилган давра суҳбати таниқли ёзувчи, шоир, олим ва партия фаоллари, ОАВ вакиллари, шунингдек талаба-ёшлар иштирокида бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан партия шаҳар кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Б.Мамажонов, раис ўринбосари Х.Қурбонбоева мамлакатимизда баркамол авлоднинг тарбия топтиришга қаратилаётган ишлар, жумладан, партия дастурий вазифаларида бу борада илгари сурилган вазифалар хусусида гапирдилар.

«Гиёҳвандлик аср вабоси» мавзусидаги тадбир эса ЎзМТДП Арнасой туман кенгаши томонидан ташкил қилинди. Унда иштирок этган партия туман кенгаши фаоллари, мутасадди ташкилот вакиллари гиёҳвандликнинг жамият, хусусан ёшлар ҳаётига салбий таъсири ҳақида тўхтадилар. Мазкур иллатга қарши курашиш, соғлом ҳаёт тарзини қарор топтириш борасида мутахассислар томонидан билдирилган фикрлар барчада катта қизиқиш уйғотди.

«Миллий тикланиш-фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ажралмас қисми» мавзусидаги давра суҳбати ЎзМТДП Пахтакор туман кенгаши томонидан ташкил этилди. Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини ҳамда партия сафига янги аъзоларни жалб этишни кучайтириш мақсадида ўтказилган йиғилишда партия фаоллари ва БПТ етакчилари ташкилот олдида турган вазифаларни кенг таҳлил этдилар.

ЎзМТДП Фориш туман кенгаши томонидан Гараша қишлоқ фуқаролар йиғинида «Жаҳолат қурбонлари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тад-

бирда партия туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Ғ.Самадов, туман ИИБ бошлиғи И.Сорабеков, Гараша ҚФЙ раиси А.Вокосов юртимиз тинчлиги ва осойишталиги учун ҳар бир инсон маъсул эканлиги, турли ёт гоғлар ва оқимлар, одам савдоси таъсирига фуқаролар, хусусан ёшларнинг тушиб қолишининг олдини олишда тарғибот-ташвиқотни кучайтириш зарурлигини таъкидлашди.

**НАВОИЙ.** ЎзМТДП Хатирчи туман кенгаши томонидан туман ҳокимлиги ҳамда Республика Маънавият тарғибот маркази туман бўлими ҳамкорлигида «Ижтимоий — маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастлик ва миссионерликнинг олдини олиш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Уни Навоий вилоят кенгаши депутати Б.Турдиев очиб, тадбирни ўтказишдан қўзланган мақсад ҳақида тўхталиб ўтди. Йиғилишда сўзга чиққан Тошкент Ислам университети «Исломунослик илмий тадқиқот» маркази ходими Ж.Алиев, ЎзМТДП туман кенгаши аъзоси О.Очилов мамлакатимизда диний ақидапарастлик ва миссионерликнинг олдини олиш борасида қилинаётган ишлар бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**БУХОРО.** ЎзМТДП Қоровулбозор туман кенгаши томонидан туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамда туман саломатлик маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир «Соғлом одам — соғлом бола, соғлом авлод» деб номланди. Тадбирда сўзга чиққан партия туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси К.Эргашева партия дастурий гоё ва вазифалари, хусусан, унда соғлом авлоднинг камол топтириш борасида белгиланган кенг қўламадаги ишлар ҳақида гапирди.

«Соғлигингиз ўз қўлингизда» деб номланган тадбир эса ЎзМТДП Олот туман кенгаши томонидан Республика Маънавият тарғибот маркази туман бўлими ва туман саломатлик маркази ҳамкорлигида бўлиб ўтди. Партия фаоллари, соғлиқни сақлаш тизими ва ёшлар вакиллари иштирок этган мазкур тадбирда «Саломатлик-туман бойлиқ», «ОИТСдан сақланиш», «Соғлом бўлиш учун нима қилиш керак?» мавзуларида маърузалар тингланди. Тадбир жонли мулоқот, қизиқарли савол-жавоблар тарзида ўтди.

ЎзМТДП Пешку туман кенгаши томонидан миллий анъаналар, қадрият ва урф-одатларимизни ўзида жамлаган сайил уюштирилди. Унга тақлиф этилган кекса онахонлар миллий таомларимизнинг тарихи, тайёрлаш жараёни ва сирлари ҳақида йиғилганларга батафсил маълумотлар бердилар. Шунингдек, улар томонидан қўйланган турли айтишув ва қўшиқлар, лапарлар орқали иштирокчилар халқимизнинг бой тарихи ва маданияти ҳақида янада кенг ва қизиқарли маълумотларни олдилар.

**ХОРАЗМ.** ЎзМТДП Урганч шаҳар кенгаши ҳамда шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида бўлиб ўтган «Ўй бекаларини спортга жалб қилиш» мавзусидаги давра суҳбатида турли тадбирлар воситасида хотин-қизларнинг спортга бўлган қизиқишини орттириш масалалари хусусида сўз борди.

Партия шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилган яна бир маънавий маърифий тадбир «Аёллар маънавияти — баркамол авлод тарбиясининг муҳим омилдир» деб номланди. Унда сўзга чиққан ЎзМТДП Урганч шаҳар кенгаши Ижроия кўмитаси раиси О.Чўпонов партия томонидан хотин-қизлар маънавияти, сиёсий, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида ташкил этилаётган ишлар моҳиятига тўхтади. Тадбирда таъкидланганидек, бу каби амалий саяёҳаракатлар мамлакатимиз равақига ҳисса қўшадиган баркамол авлодни воғга етказишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Партия ташкилотлари томонидан ўтказилган мазкур тадбирларда ҳудудий ташкилотлар фаоллигини кучайтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Миллий бойлигимиз саналмиш осори-атикалар, тарихий обидаларимизни асраб-авайлаш, уларни келгуси авлодга бус-бутун ҳолда етказиш ва шу орқали ёшлар онгига Ватани, халқидан фахрланиш туйғуларини сингдириш Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг дастурий мақсад ва вазифаларидан бири ҳисобланади.

Яқинда ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан Миришкор туманида жойлашган «Исоқ ота» ва «Сичанкўл» зиёратгоҳларида «Миллий қадриятлар — миллий манфаатлар асоси» мавзусидаги семинар ушбу партиявий вазифаларнинг амалий ижросини таъминлашга қаратилди. Унда ЎзМТДП вилоят кенгаши аъзолари ҳамда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатлари, партиянинг шаҳар ва туман кенгашлари фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Семинар «Исоқ ота» қабрини зиёрат қилишдан бошланди. Миришкор туман кенгаши депутати С.Ҳайитов йиғилганларга зиёратгоҳ тарихи, мустақилликдан сўнг бу ерда амалга оширилган ободончилик ишлари, яратилган қўлайликлар хусусида маълумот берди. Шундан сўнг иштирокчилар «Сичанкўл» зиёратгоҳига йиғилдилар.

Тадбирни ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Ойниса Очилова очди







# МАЪНАВИЯТ

2010 ЙИЛ - БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ



## Маданий меросимиз — йўлчи юлдузимиз

(Давоми.  
Боши 1-бетда)

Бу ҳужжатлар барча халқлар томонидан яратилган маданий ва табиий бойликларни сақлаш, муҳофаза қилиш ва келажақ авлодга етказиш учун хизмат қилади. Шу билан биргаликда халқаро майдонда норматив-ҳуқуқий жиҳатларни белгилаш ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишда восита ролини ўйнайди. Бугунги глобаллашув жараёнида миллий-маданий меросни сақлаш, ҳар бир халқнинг ўзига хослигини эъзозлаш билан дунёнинг ранг-баранглигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этиши халқаро ҳужжатларнинг бош ғоясига айланмоқда. Масалан, айни пайтда ЮНЕСКО томонидан бевосита маданий бойликларни сақлашга доир бешта, яъни ҳарбий моҳоролар пайтида маданий меросини муҳофаза қилиш (1954 йил 14 май), қабул қилинган Маданий меросни ноқонуний олиб кириш, олиб чиқиш ва мулкни бошқаларга беришнинг олдини олиш ва таъқиқлаш (1970 йил 14 ноябрь), Бутунжаҳон маданий ва табиий меросни сақлаш (1972 йил 16 ноябрь), Сувости маданий меросни сақлаш (2001 йил 6 ноябрь), Номоддий маданий меросни сақлаш (2003 йил 17 ноябрь) тўғрисидаги Конвенциялар амал қилмоқда.

Кўриниб турибдики, амалдаги халқларо ҳужжатлар дунёда барча миллат ва элатлар ўз маданий мероси ва бойлигини сақлашлари учун амалий ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлашни назарда тутди.

Асрлар оша сайқалланиб келатган маданий меросимизни асраб-авайлаш, янада мукаммаллаштириш, келажақ авлодга етказиш ва шу асосда аждодлар руҳини шод этиш бош вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Ана шундай мақсадлар муштараклиги жамланган ва эзулиққа йўрилган халқаро ҳужжатларга мамлакатимиз ҳам қўшилган, ўз Конституцияси, қонуни ва қонуности ҳужжатларида маданий меросини сақлаш, муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг "Фуқароларнинг бурчлари" деб номланган XI боб 49-моддасида "Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир", деб кўрсатилган бўлса, 50-моддасида "Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар", деб белгиланган. 55-моддада эса "Ер, ерости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умумийлиги бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир", деб қайд этилган. Бош Қомусимизнинг ана шу моддалари асосида бир қанча қонун ва қонуности ҳужжатлар қабул қилинган. Масалан, 2001 йил 31 августда қабул қилинган Ўзбекистон Рес-

публикасининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун, 2009 йил 10 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги Қонун, 1998 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Маданий бойликларнинг олиб чиқиши ва олиб кирилиши тўғрисида"ги Қонун, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 12 декабрдаги ЎРҚ-122 – сон Қонуни билан ратификацияланган "Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича Халқаро

ҳам тақозо этади.

Бугунги тезкор, барча соҳалар жадал ривожланиб бораётган пайтда, айниқса, ахборот технологияларининг юксалиши маданиятлар қоришуви хавфини ҳам келтириб чиқармоқда. "Оммавий маданият" деган ном остида оммавий адабиёт, оммавий мусиқа ва бошқа оммавий қўрилишларнинг дунё ранг-баранглигига раҳна солаётганлиги, албатта, ташвишланарли ҳолдир. Шу боис, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида тарихий, маданий қадриятлар, аждодларимизнинг ижодий меросини ўзлаштириш воситасида қатъий эътиқод ва қарашларга эга бўлган, маънавий таҳдидлар ва четдан кўрсатиладиган таъсирларга қарши туришга қодир

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг "Фуқароларнинг бурчлари" деб номланган XI боб 49-моддасида "Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир", деб кўрсатилган бўлса, 50-моддасида "Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар", деб белгиланган.**

Конвенция", 2009 йил 13 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида" ги Қонунлар ана шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, маданий меросини асраш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш мақсадида Туризм, Архивлар, Ер, Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар ҳам қабул қилинганлигини таъкидлаш жоиз.

Мазкур қонунлар мажмуи мамлакатимизда маданий меросни асраб-авайлаш, уни муҳофаза қилиш, оқилона фойдаланиш ва тасарруф этишни тартибга солиди. Мамлакатимизда борада фақат қонунлар қабул қилиш билан чегараланиб қолмасдан кенг қамровли ишлар ҳам олиб борилмоқда. Маданий ёдгорликларни таъмирлаш, асл ҳолига келтириш, йўқолиб кетган тарихий ҳужжатларни йиғиш, осори-атикаларни олиб келиш, тарих қатларида пинҳон қолиб кетган муборак номларни тиклаш, улар учун муносиб зиёратгоҳлар ташкил этиш, юбилейларини ўтказиш ишлари юқори савияда ташкил этилмоқда.

Тарихий шаҳарларимиз, муқаддас қадимжоларимизни зиёрат қилиш, осори-атикаларимиз билан танишиш, улуғларимизни ёд этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳоли, таълим муассасалари ўқувчилари, талаба-ёшларга ана шундай муборак жойларни бориб кўриш мақсадида саёҳатлар ва экскурсиялар учун шароитлар яратилмоқда.

Маданий меросни асраб-авайлаш, тарғиб этиш, ундан гурурланиш фақат қонунлар билан эмас, балки Ватанини севиш, унинг фидойисси бўлиш, ота-боболар амалини давом эттириш, бир сўз билан айтганда ватанпарвар — юксак маънавият соҳиб бўлишни

бўлган ёшларни тарбиялашни таъминловчи чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, шунингдек, миллий мустақил тафаккур, юз бераётган ҳодисаларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш, ахлоқий ва интернетдан фойдаланиш маданиятини ошириш, паст савияли "оммавий маданият"нинг қириб келишига қарши курашишдек долзарб вазифалар ўрин олган.

Дастурнинг ўзинчи бўлими "Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизликдан, четдан кириб келадиган экстремистик марказлар ҳамда паст савияли "оммавий маданият" иллатларининг зарарли таъсирлари, таҳдидидан муҳофаза қилиш" деб номланган. Унда азалий қадриятларимизни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган. Чунки бизнинг меросимиз бизни ҳимоя қилади. Ота-она боласини ҳимоя қилганидек аждодлар руҳи ҳам авлодларини ҳимоя қилади.

Бугунги кунда маданий меросимизни тарғиб этишда ахборот технологияларининг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Масалан, ўзбек халқ эртақ ва дostonлари сюжетли асосида болалар ва ёшлар учун 10 та мультимедияцион, 4 та бадий фильм, ўзбек халқининг бой тарихи, миллий анъаналари, атоқли кишиларнинг ватанпарварлиги, ҳаёти ва ижоди тўғрисида 6 та миллий сериал, 6 та ҳужжатли фильм яратиш кўзда тутилганлиги катта аҳамиятга эга. Бугунги ижодкор ёшлар нафақат тарих, география, адабиёт, мутахассислик фанлари, балки ахборот ва коммуникация технологияларини ҳам пухта ўзлаштиришлари зарур бўлади.

Бундан ташқари, мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар учун Ўзбекистоннинг тарихий мероси, ҳай

вонот ва ўсимликлар дунёсини очиб берувчи телекўрсатувлар учун махсус руҳи ташкил этиш ҳам режалаштирилганлиги ёшларимизнинг дунёқарашини ўстириш, ватан деган муқаддас тушунчани улар онгига сингдиришда муҳим аҳамият касб этади.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурида 2010-2015 йилларда болалар ва ўсимликларни ҳар томонлама камол топтириш ва тарбиялашга йўналтирилган жаҳон ва ўзбек адабиёти классикларининг асарлари, уларни лотин графикасида китоб ва электрон шаклларда нашр этиш, болалар учун ўзбек халқининг буюк мутафаккирлари ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги расмий китоблар, ўтган аждодларимизнинг маънавий жасоратлари, қаҳрамонликлари тўғрисидаги буклет, рисола, плакат ва мақолалар, ёшлар учун Ўзбекистоннинг барча тарихий ёдгорликлари тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган китоб-каталоглар тайёрлаш ва нашр этиш каби чора-тадбирлар ҳам белгиланган.

Миллий ғоя ва мафкура, мамлакатимиз тарихи бўйича етакчи олий таълим муассасаларимизда минтақа тарихи, археологияси ва этнографиясига бағишланган мавзули сайтларни яратиш, ахборот-коммуникация технологиялари, миллий ғоя, илм-фан, шунингдек, оммавий ахборот воситалари расмий сайтлари негизидан электрон совринли викторина ва тестлар ташкил этиш масалалари ҳам дастурда ўз аксини топган.

Миллий ғоя ва мафкура, мамлакатимиз тарихи мавзулари бўйича веб-ресурсларни янада кенгайтириш мақсадида «ZiyoNET» тармоғи ресурсларини ахборотлар жиҳатидан ривожлантириш ҳамда республика олий ўқув юртлари, лицейлари, коллежлари ва мактабларида «ZiyoNET» тармоғининг имкониятлари ва ахборот-ресурсларидан кенг фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирларидан ёшларимизнинг тарихимиз, маданий меросимиз, қадрият ва анъаналаримизни ўрганишга бўлган эҳтиёткорона қондириш, буш вақтларини мазмунли ва фойдали ишлар билан тўлдирish мақсади кўзда тутилган. Бундан ташқари, маданий меросимизни ўрганишда музейларнинг аҳамияти беқийс эканлиги эътиборга олиниб, дастурда аҳолининг кенг доираси, биринчи навбатда, болалар ва ўсимликларни маданий тарихий меросдан фойдаланиш ва танишиш имкониятини кенгайтириш мақсадида 18 ёшгача бўлган болалар учун давлат музейларига киришнинг бепул тартибини жорий этиш, Республика ва халқаро ёшлар туризмининг ривожлантириш, айниқса, кам таъминланган оила-лар болалари ҳордиғи ва дам олишини таъминлаш, халқаро туризм ва ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлиқни назарда тутувчи тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, Ўзбекистон музейлари тўғрисида телекўрсатув, радиоэшиттириш ва мақолалар туркумини тайёрлаш вазифалари белгилаб берилган. Шунингдек, дастурда халқимизнинг тарихи, азалий удулларини ёшлар ўрганишлари, асраб-авайлашлари ва сайқаллаштириб боришлари мақсадида танловлар ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Маҳалла — Ватаннинг бир бўлаги. Маҳалласи тарихини билган инсон Ватан тарихига ҳам қизиқиши табиий. «Менинг маҳаллам тарихи» танлови ёшлар ўртасида ўз маҳалласи тарихининг билимдонларини кашф этиши ва ёшларни бунга ундаш шубҳасиз. Ёшлар оналар аллани халқимизнинг энг буюк донишмандлиги маҳсулидир. Ёш оналар ўртасида халқ қўшиқлари, мақомлари ва аллаларининг энг яхши ижрочилари учун «Оналар куйлаганда» ҳунарманд кизлар ўртасида минтақаларнинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, энг яхши дўппи тикиш бўйича «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан» танловларининг ўтказилиши ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этиши, шубҳасиз.

Асрлар оша сайқалланиб келатган, ўзига хослигимизни намояндалаштирган, ёшларимизни эзулиққа етказиладиган маданий меросимизни асраб-авайлаш, ёшларимиз онгига сингдириш "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий дастурий вазифалари сирасига кириди. Шу боис, партия-мизнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада мукаммаллаштириш ва тарғиб қилишда "Баркамол авлод йили" Давлат дастури асосида фаолият юритмоқда.

**Урал ХАЙТОВ,**  
**Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

### ОБОД ҒУША

**Кўзимизни каттароқ очиб, тарихга янгича тафаккур билан назар солсак, ерни обод қилиш, боғлар яратиш, сув келтириш, дарахт ўтказиш, гул экиш ўзбекнинг қониди бор. Бу халқимизнинг асл қадрияти, удуми, анъанаси. Президентимизнинг ғоятда гўзал ибораси билан айтганда: «Ўзбекнинг феъл-атвори барчага аён. У ерни, табиатни севади. Дўппида сув ташиб бўлса-да, дарахт кўкартиради». 1998 йилда тарихчи ва маънавиятчи олимлар билан бўлган суҳбат чоғида айтилган бу фикр, кўҳна тарихнинг кўпдан-кўп синовларидан ўтган ноёб ҳақиқатдир.**

## «Маънавият боғи»

КУНДАНКУНГА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

**Тангир САТТОРОВ,**  
**Республика Маънавият тарғибот маркази Самарқанд шаҳар бўлими раҳбари, фалсафа фанлари номзоди, доцент, «Дўстлик» ордени соҳибиди**

Халқнинг қалбиди, ниятидаги файзу барака, ободончиликка интилиш истаги ҳеч қачон тўхтамади, аксинча, истиклол даврида барқ уриб ривож топти. Халқимиз айни кунларда ҳам борлигини бағишлаб юртни обод қилаётти, заминни кўкартираётти. Янгидан боғ ва хиёбонлар барпо этаётти. Далаларини ноз-неъматлар булоғига айлантираётти.

Ҳар қандай боғ давлат тинчлиги, куч-қудрати, маънавияти ва маърифатини белгилайдиган, инсонни яратувчанлик қобилияти ва имкониятини намоян қиладиган, боғбон меҳнати ва салоҳиятини кўрсатадиган гўзал хилқатдир.

Қадим юртимизда сон-саноксиз боғлар бўлган ва улар ўз мазмун-моҳиятига кўра номланган. Масалан, биргина Самарқандда гўзал номлар билан битилган қанчадан-қанча боғлар мавжуд, жумладан, Самарқанд шаҳри билан Баҳмал тумани ҳамкорлигида бунёд этилган «Маънавият боғи»нинг ҳам ўз тарихи, мазмун-моҳияти бор. Президентимиз Ислам Каримов 1996 йилда маънавият ҳодимлари ва зиёлилар билан учрашувда: «Кўпгина онахонларимиз ва отахонларимиз қишлоқда туғилиб, қишлоқда яшаб, бола тарбиялаб бутун дунёни ҳайратга солаётган меъморий ёдгорликларимизни кўрмасдан ўтмоқда. Кўпгина шаҳарлик онахонлар ва отахонлар бол томаётган боғларимизни, шўх оқар дарахларимизни, виқорли тоғларимизни кўрмасдан ўтмоқда. Келинлар, одамларнинг бошини қовштириб, қишлоқ билан шаҳар ўртасида яқин алоқа боғлайдиган Маънавият боғларини ташкил қилайлик», деган эди. Бу даяват ёшлагидан дарахтларга меҳр кўйган, тувакларда гул ўстириб, роҳат қиладиган, кўп йиллардан буён Самарқанддаги Амир Темур боғлари ҳақида маълумотлар тўплаб, дунё боғлари тарихига қизиқиб қараган Бувсалима аяга қанот бағишлади.

Боғ яратиш нечоғли машаққатлигини ҳамма билади. Лекин шунга қарамай шаҳарлик бир аёл мазлум бир ёшда, ҳузур-халоватдан кечиб, чекка бир тоғли қишлоқда, ташландиқ, тошлоқ, селнинг йўлида боғ яратишга киришди.

Авал тошлоқнинг тоши терилди, ён-атрофдаги тепаликлардан соз тупроқ олиб келиб солинди, маҳаллий ўғит ташланди. Ер атрофига тўсқин сифатида маҳаллий оқ мизраза тераклар экилди. Қатор қилиниб олма, қароли, шафтоли, ўрик ва наватли ноқларнинг сархил навлари экилди. Кўчатлар бу ёғи Самарқанддан, бу ёғи Фарғона водийсидан олиб келинди. «Бу аёл беҳуда уринаётти, тошлоқда сув сингмайди, шамол экинни ўстирмайди», деганлар ҳам кўп бўлди. Лекин ая астойдил киришди. Тоғда кўзи битган булоқни очиб, қувурда сув олиб келди. Боғ ичида катта ҳовуз қавланди. Дарахтлар илк ҳосилга кирганда ая элга ош берди.

Бувсалима ая боғ яратишда бойлик орттиришни эмас, шаҳар билан қишлоқ аҳлининг маънавий алоқаларини мустаҳкамлаш, экологик ҳолатни яхшилаш, юртимизнинг жаннатмакон ўлка эканлигини англатиш ва ундан тарғибот воситаси сифатида фойдаланишни асосий мақсад қилиб қўйганди.

Ая шoirтабиат ва эътиқодли инсон эдилар. У киши билан бир лаҳза суҳбат қилган одам ана суҳбатлашмас дерди. Хотираси қучли, минглаб газалу шеърлар, ривоятлар ҳикматларини ёддан билгани боис, фикр ва мулоҳазаларини халқ мақоллари, шеърли лутф билан ифодалаш ёки изоҳлашни хуш кўрадилар.

Биз кўпинча дарахтларнинг ёзда соя-салқинлиги, кузда мева бериши, йил бўйи бизни чанг-ғуборлар-

дан ҳимоя қилиши, тоза ҳаво беришини айтаемиз. Бу рост гап. Лекин, булар ҳаммаси эмас. Яна бир фазилати шундаки, дарахтлар ерга қадаган кишини улуглайди. Номини яхшиликка буркайди. Ўз соҳиблари юртни узайтиради — номларини асрлардан асрларга элтади.

Ободлик кўнгилдан бошланади. Тоза, озода боғларга фаришта кўнади. Баҳмалдаги «Маънавият боғи»да жуда кўп дарахтлар ўсади ва ҳосил беради.

«Маънавият боғи»даги дарахтларнинг фазилатлари чексиз. Ҳазрати Румий битган шундай мисра бори: «Аё, Сарв! Кўкка интиломқини бизга ҳам ўргат!» Бу шунчаки гўзал ташбеҳ эмас. Маъноси теран. Бувсалима билан неча боғ суҳбатлашиб ишонганман, орзулари юксак, ниятлари ёруғ эди. Бувсалимада тушқунлик, умидсизлик, ғам-қайғу ичида ивирсиб юришини кўрмаганман. Назаримда, боғлар шунчаки яратилмади. Кўчатлар шунчаки экилмади. Улар меҳр бераётган соҳиб кўнгилни ҳам ўстиради, улгайтиради.

Дарахтларнинг яна бир фазилати бор: улар руҳни юксалтириб, покла-нишга даъват этади. Синчковлик билан эътибор қилсангиз, қайси кўшад дарахтлар, боғлар мўл бўлса, ўша ерда покизалик, ободлик, яшарли бўлади. Бунга юртимиз, шаҳримиз, «Маънавият боғи»миз яққол мисолдир.

Бувсалима ая билан суҳбатлашганимизда «Маънавият боғи»нинг руҳиятга таъсир қиладиган яна бир нозик қиррасини таъкидлар эди: «Илгари манзарали дарахтларни оддий бир кўркамлик, деб ўйлардим. Маънавият боғига экилган дарахтлар ичида ҳам манзаралиларни кўп. Улар шундай жойлаштирилганки, улкан санъат асарига ўхшайди — дарахтлардан яратилган жонли санъат...»

«Маънавият боғи»да сайр қилиб, Баҳмал меваларини еб танангизни озиклантурсангиз, руҳингиз мўъжизавий қувватга тўлади. Боққа нигоҳингиз тушшини билан кайфиятингиз кўтарилади. Фикрингиз чарақлаб очилади. Инсон ва табиатнинг бир жон, бир тан бўлиб яратган мўъжизасига дуч келасиз. Бувсалима ая асос солган бу жонли санъат асарлари йилдан-йилга сайқалланиб, гўзаллашиб бормоқда. «Маънавият боғи» одамларни мафтун этиб, тобора чирой очмоқда ва у ҳали узоқ яшайди.

Обод боғлар юрт кўркига кўрк, маънавиятимиз раванқига раванқ қўшади. Одамлар, қолаверса, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги маънавий алоқаларини мустаҳкамлайди.

Ана шу боғ 2003 йилда Баҳмал туманида «Бол томаётган боғлар» кўрик-танловига тавсия этилиб, ва барча номинациялар бўйича танлов ғолиби, деб тан олинди ва шу йилда «Маънавият боғи»нинг расмий очилиш маросими бўлиб, Самарқанд шаҳар Темирйўл тумани ва Баҳмал тумани ҳокимлиги ўзаро шартнома имзоладилар.

Боғнинг расмий очилиши ва танлов ғолиби бўлган Бувсалима ая кўзларида севинч ёшлари билан давлатимизга, Президентимизга миннатдорчилик оҳангиди: «Орзуларим тоғу тошлар орасида қолиб кетмади», дея энтиқиб қўйди.

Боғ атрофидаги йиғирмага яқин сархил мевали дарахтларда тумор каби чиройли ёзувлар илганди. Ёзувларда «Маънавият боғи»га қадам ранжида қилиб, ўз кўли билан шу боққа дарахт ўтказган мамлакатимизнинг таниқли фарзандлари — илм, маърифат ва ижод аҳлининг номлари битилган.

«Маънавият боғи» кундан-кунга чирой очмоқда, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги ҳамкорлик ва алоқаларини тобора кенгайтирмоқда.





## Касаначилик

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЖОРИЙ ЙИЛДА 1791 ТА ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛАДИ**

**Анорбой НОРКУЛОВ,**  
«Milliy tiklanish» мухбири

Мамлакатимиз Президентининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари ва Инқирозга қарши чоралар Дастурида белгиланган вазифалар ижроси юртимиз аҳлини ижтимоий ҳимоялаш, иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини яхшилашда ўз

самарасини бермоқда. Жумладан, мамлакатимизда 2009 йил давомида 940 мингдан ортиқ янги иш ўринлари барпо этилди. Шундан 500 мингга кишлоқ жойларига тўри келади.

Аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг даромад манбаларини шакллантиришда мамлакатимиз Президентининг қатор Фармон ва қарорларининг ўрни бекиёс даражада катта бўлмоқда. Хусусан, Юртбошимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат

корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони ана шундай эзгу мақсадлар йўлида хизмат қилмоқда.

Сирдарё вилотида уй меҳнатини кенгайтириш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Маҳаллий ҳокимликлар томонидан бу борада алоҳида дастур ишлаб чиқилган. Вилотда 2010 йил давомида меҳнат шартномалари асосида 153 та корхонада 1791 та касаначилик асосидаги иш ўринлари вужудга келади. Уй меҳнатининг салмоқли қисми вилотдаги 84 та саноат корхонасида яратилади. Мазкур корхоналарда пудрат шартномаси асосида 528 та иш ўринлари ташкил этилади. Корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини кўпайтиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Гулистон шаҳридаги «Гулистонэкстрат» ҳиссадорлик жамиятида 15 турдаги касаначилик иш ўринлари яратилди. Корхона касаначилари, қандолат, сут, гўшт маҳсулотлари тайёрлаш, парранда, чорва боқиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, ишчи-хизматчилар учун махсус кийим-бош, кўлқоп тикиш, аҳолига сервис ва техник хизмат кўрсатиш каби юмушлар билан банд этилган. Буюртмани бажариб корхонага катта даромад келтираётган касаначилар яхшигина ҳақ олмақда.

Вилотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда хунармандчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги «Оилавий тадбиркорлик ҳамда хунармандчилик фаолияти-

ни ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори асосан воҳада жорий йил мобайнида оилавий тадбиркорлик ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш эвазига 246 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон, фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори асосида аҳолини иш билан таъминлаш ва даромад топишнинг кўшимча манбалари яратилди. Мазкур ҳужжат асосида жорий йил давомида кишлоқ жойларида шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган 2600 нафар фуқарога меҳнат дафтарчаси очилади. Кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга эса қорамол сотиб олиш учун тижорат банкларидан бир миллиард сўм, бандликка кўмаклашиш жамғармасидан 50 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилади.

Шунингдек, ҳар бир тумандан 50 та кам таъминланган оилага ҳомийлар, саховатпеша инсонлар томонидан бир бошдан соғин сигир ахратилади. Аҳолига сервис хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш мақсадида янгидан-янги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектилари бунёд этилиб, фойдаланишга топширилади. Жумладан, вилотда 2010 йил давомида 16 та янги замонавий савдо дўконлари, 3 та маиший хизмат савдо мажмуалари, 3 та гузар, 40 та сервис хизмати кўрсатиш шаҳобчалари бунёд этилиб, 300 нафарга яқин кишлоқ ёшлари доимий иш ўрни билан таъминландилар.

**«Инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас бўлиб, давлат ҳимоясидадир. Ўзбекистон давлати ҳам фуқароларнинг манфаатлари ва эркинликларини республика ҳудудида ва унинг ташқарисида ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади».**

**Ислом КАРИМОВ**

### ҲУҚУҚВАБУРЧ

## Мурожаат безътибор қолдирилмайди

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда ривожланишнинг ҳуқуқий пойдевори бўлмиш мукамал қонунлар тизими яратилмоқда. Инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш давлатимиз раҳбари Ислом Каримов сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Конституциямизнинг 13-моддасида «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳақ-ҳисиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши» белгиланган.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданқ, Президентимиз маърузаларида «Фуқароларнинг ихроия органларига мурожаатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, фуқароларнинг шикоятларини ўз вақтида ва одилона кўриб чиқиш учун давлат органлари масъулиятини ошириш мақсадида «Давлат органлари томонидан фуқароларнинг шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»-ги Қонун қабул қилиш зарурлиги таъкидлаб ўтилган. 1994 йил 6 майда эса Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»-ги Қонун қабул қилинди. Мазкур қонун 2002 йил 13 декабрда қадар фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни ҳуқуқий тартибга солди.

Ижтимоий турмушнинг жадал суръатларда ривожланиши мазкур қонунни янада такомиллаштириш зарурлигини таъкидлаб элди. 2002 йил 13 декабрда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»-ги янги таърирдаги қонун қабул қилинди.

Инсон шаъни — олий қадрият. Шу боисдан унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ ва эркинликларидан тўғри фойдалана олишга йўл очиб бериш биз шакллантираётган ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамиятининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»-ги Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилганлигига олиб келадиган сабаб ва шариоатларни аниқлаш, унинг ечимини қаноатлантириш даражада амалга ошириш энг асосий вазифа ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»-ги Қонуннинг ижроси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан бир

қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Келиб тушган аризаларни кўриб чиқиш, уларнинг ижросини таъминлаш, фуқаролар билан тушултириш ишларини олиб бориш вазирлик томонидан тегишли тартибда назоратга олинган.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида фуқаролардан келиб тушган мурожаатларнинг биронтаси ҳам безътибор қолиб кетмаётгани йўқ. Жорий йилнинг 1-чорада Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигига фуқаролардан жами 87 та мурожаат келиб тушган, шу жумладан, ёзма равишда 71 марта, «ишонч телефони» орқали эса 16 марта мурожаат қилинган.

Мурожаатларнинг 43 таси батамом асосли бўлиб чиқди ва шу боис тўла қаноатлантирилди, 31 тасининг мазмунига кўра ҳуқуқий тушултириш берилди. Текширишлар асосида мурожаатларнинг 1 таси қисман асосли ва 1 таси асоссиз деб топилди.

Фуқароларнинг қаноатлантирилган мурожаатлари бўйича 7 та тақдимнома киритилди ва шунга асосан 5 та шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Киритилган 55 та 38251329 сўмлик давво аризалари суд мажлисида муҳокама қилиниб, тўлиқ қаноатлантирилди. Масалан, Нукус шаҳри, Академический кўчасида яшовчи фуқаро Б.Байниязованинг «Нукус шаҳарга» филиали томонидан газ сарфи асоссиз ҳисобланиб, қарз чиқарилганлигидан норози бўлиб ёзган аризаси кўриб чиқилди. Натижада, «Шимолгазтаъминот» унитар корхонасига тақдимнома киритилиб, асоссиз ҳисобланган газ сарфи ўчирилиб, ижроси таъминланди. «Нукусшаҳарга» филиали ПУРГ бўлими мастери С.Ерназаров ва техники Қ.Атамуратовга ҳайфсан интизомий жазоси тайинланди.

Нукус шаҳри, Р.Султонов кўчаси 34-уйда яшовчи фуқаро М.Ережеповнинг Нукус шаҳар Санитария эпидемиология назорат маркази томонидан маъмурий жавобгарликка тортилганидан норози бўлиб ёзган аризаси кўриб чиқилиб, Нукус шаҳар ДСЭНМга тақдимнома киритилди. Марказнинг коммунал гигиена бўлими мудири С.Ерниязовга ҳайфсан интизомий жазо тайинланди ва фуқаро М.Ережеповни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги 02.12.2009 йилги 3К/233-сонли қарор бекор қилинди. Бундан ташқари, Нукус шаҳри, Байсун кўчаси 23-уйда яшовчи фуқаро К.Ережеповнинг «Қорақалпоқ МТП» ААЖдан иш ҳақи ва бошқа пулларини вақтида берилмаганли

гидан норози бўлиб ёзган мурожаати ўрганилиб, Фуқаролик ишлар бўйича Нукус шаҳар судига давво ариза киритилди. Фуқаро К.Ережеповнинг фойдасига «Қорақалпоқ МТП» ААЖдан 1.310.190 сўм миқдоридagi иш ҳақи ва сафар харажатларини ундириш тўғрисида суд қарори чиқарилиб, мурожаат қаноатлантирилди.

Элиқалъа тумани Гулдурсун ОФИда яшовчи фуқаро Х.Сабуровнинг Бўстон ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежидан эгаллаб турган лавозимидан ноқонуний озод қилинганлигидан норози бўлиб ёзган шикоятни бўлим ходимлари томонидан ўрганилиб чиқилиб, фуқаро Х.Сабуровни ишдан бўшатишда меҳнат қонуничилиги талабларига риоя қилинмаганлиги аниқланди. Фуқаро Х.Сабуров Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг Бўстон ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежи директори номига ёзилган огоҳлантириш хатига асосан ўз ишига қайта тикланиб, шикоят қаноатлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»-ги Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилганлигига олиб келадиган сабаблар ва шариоатларни аниқлаш, унинг ечимини қаноатлантириш даражада амалга ошириш энг асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

«Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси»нинг 2-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига мувофиқ барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий макъдидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар.

Ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқларидан тўла ва ҳар томонлама фойдалана билиши керак. Шу жумладан, давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланганда камситишнинг бирон бир шаклига учраган фуқаро бўйсунув тартибиде юқори турувчи давлат органлари ёки судга мурожаат этиш орқали ўз ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланишига эришади.

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»-ги Қонун талабларини билиш, уни тўғри қўллаш нафақат давлат органлари ёки мансабдор шахслар, балки ҳар бир фуқаро учун гоят зарурдир.

Фуқаролар мурожаати замирида инсон манфаати туради. Унинг ижобий ечими ҳар биримиздан диққат-эътибор ва катта масъулият талаб этади.

**Абилкасым ОТЕУЛИЕВ,**  
**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ташкилий-назорат ва таҳлил бўлими ҳуқуқий статистика бўйича бош маслаҳатчи**

## “Баркамол авлод” ғолиб бўлди

**ВА РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА  
ЙЎЛЛАНМА ОЛДИ**

**Камолиддин ХОТАМОВ,**  
«Milliy tiklanish» мухбири

Юртимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси борасидаги билимларини мустаҳкамлаш, жамиятдаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётгани сўзимиз исботидир. Жумладан, икки йилдирки, Адлия вазирлиги ташаббуси билан республикамизнинг барча ҳудудларида ҳуқуқ соҳасига ихтисослашмаган лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчилари ўртасида «Ҳуқуқ билимдонлари» республика кўрик-танлови ўтказилмоқда. 2010 йилдан бошлаб мазкур беллашув Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилаётган бўлди.

Шу кунларда тадбирнинг ҳудудлараро bosқичи давом этмоқда. Пойтахтимиздаги «Туркистон» санъат саройида ўтказилган беллашувда Тошкент шаҳрининг «Баркамол авлод» ҳамда Тошкент вилотининг «Адолат» жамоалари ўзаро куч синашди. Унда Адлия вазирлиги ходимлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси масъуллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Беллашув учта шарт асосида ўтказилиб, биринчи шартда жамоалар жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган бадиий чиқишларини намойиш этишди. Иккинчи шартда эса ҳар бир гуруҳ Адлия вазирлиги томонидан махсус тайёрланган саволларга жавоб беришган бўлса, учинчи шартда тақлиф ва тавсиялар ҳамда саҳнавий кўринишдан иборат чиқишлар орқали жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш намойиш этилди.

Таъкидлаш лозимки, жамоаларнинг кўзгин беллашуви ва ғалабага бўлган интилиши тадбирнинг кўтаринки руҳда ўтишини таъминлади. Яқунда Тошкент шаҳрининг «Баркамол авлод» гуруҳи ғолиб деб топилиб, финал bosқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди. Ғолиб ва иштирокчилар Адлия вазирлигининг I ва II даражали дипломлари ҳамда қимматбаҳо совғалари, шунингдек Фонд Форум жамғармаси ва бошқа ҳамкорларнинг эсдалик совғалари топширилди. Бундан ташқари, Адлия вазирлиги томонидан 2009 йилда яратилган «Ўзбекистон юридик энциклопедияси» ҳамда бошқа ҳуқуқий адабиётлар тарқатилди.

### ТАЪЛИМ

## Томди ёшлари ЗАМОНАВИЙ КОЛЛЕЖДА ТАҲСИЛ ОЛМОҚДАЛАР



**Комил ҚУЛИЕВ**

Мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ёш авлодни баркамол инсон этиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат умулмиллий дастури мазкур тизимда ислохотларнинг самарали амалга ошириш имконини бермоқда.

«Оқ тоғ» ёнбағрида, олис Томди туманида замонавий Агроик-тисодиёт касб-хунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Коллежда 570 нафар талаба 9 та йўналиш бўйича мутахассислик сирасорларини ўрганишяпти. Мазкур зиё маскани Осиё тараққиёт банки кредити ҳисобидан ўқув лаборатория асбоб-ускуна ва компьютер технологиялари билан жиҳозланган.

Ўқувчиларимиз асосан замонавий ўқув жиҳозлари ва компьютерлар воситасида сабоқ олишади. Ахборот-ресурс марказидаги компьютерлар интернетга уланган. Ўқувчилар интернет воситасида дунё миқёсидаги англичанлардан мунтазам воқиф бўлиб борадилар. Пойтахтимиздан салкам 1000 чакирим олида Қизилқум саҳросида барча имконият ва шарт-шароитларга эга бўлган ҳашаматли коллеж барпо этиб берилгани учун Юртбошимиздан миннатдоримиз, - дейди «Дўстлик» ордени совриндори, устоз-мураббий Бану Жуматаева.

Олис саҳро кўйидаги мазкур коллежда таҳсил олган Молдир Рустомова ўтган йили Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. У айна пайтда Навоий Давлат педагогика институтида таҳсил олмоқда. Гулжайна Дасибаева 2009 йилда «Келажак овози» кўрик-танловининг республика bosқичида совринли ўринни эгаллади. Айнур Шаханова ўқувчилар ўртасида бўлиб ўтган мамлакат миқёсидаги француз тили фани олимпиадасида ғолиб бўлиб, муддатидан олдин талабалик бахтига муяссар бўлди. Булар коллеж ўқувчилари кўлга киритган ютуқ ва муваффақиятлардан бир шингили, холос.

Жорий йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши ёшларнинг ўз ижодий билимлари ва интеллектуал салоҳиятларини янада кенгрок намоеъ этишларида катта имконият яратмоқда.

- Назаримда, ҳеч бир мамлакатда ёшлар масаласига биздагидек эътибор қаратилмаса керак, деб ўйлайман. Президентимизнинг изчил ва доно сиёсати, оталарча ғамхўрлиги тўғрисида келажак авлодларимизга эътибор тобора кучаймоқда. 2008-2009 ўқув йилида 230 нафар битирувчимизнинг 193 нафари доимий ишга жойлаштирилди. Бунда вилот ҳокимлиги, туман ва вилот бандликка кўмаклашувчи марказ ҳамда вилот касб-хунар бошқармаси масъул ходимларининг амалий ёрдамлари бениҳоя катта бўлди. 14 нафар битирувчимиз эса республикамизнинг турли олий таълим муассасаларида талабалikka қабул қилинди, - дейди коллеж директори Аҳмед Абдимурадов.

Дарвоқе, коллеж ўқувчиларининг 65 фоизи тумандаги олис кишлоқ ва овуллардан келиб таълим олишмоқда. Ҳатто, 400 километрик масофадан келиб билим олаётган ёшлар ҳам бор. Улар қатнови учун ҳомий ташкилотлар томонидан 3 та автобус бириктирилган. Коллеж китоб фонди 82 минг 700 дона дарслик, кўланма ва адабиётлардан иборат. Ўқувчилар билимини янада мустаҳкамлаш мақсадида 14 та фан тўғраги ташкил этилган.



# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## БИЗНИНГШАРХ

**Неча минг йиллардан буён оппоқ қорларда бурканиб ётган Арктикада глобал иссиқ оқибатида улкан музликлар эриши тезлашиб, шимолий ҳудудда "жазирама" бошланмоқда. Айниқса, тадқиқотчилар томонидан уммон қаърида қарийб 90 миллиард баррел нефть, жаҳон газ захирасининг учдан бир қисми, дунё суёқ газ конденсатининг 20 фоиз захираси сақланаётгани ва бошқа фойдали қазилмалар мавжудлиги аниқланган океанга чегарадош бўлган давлатлар — Россия, Норвегия, Канада, Дания, Исландия ва АҚШ минтақада ўз ҳукмронлигини ўрнатиш пайига тушган.**

## Шимолий баҳсли ҳудуд

### ДУНЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ТИНЧНИНИ БУЗМОҚДА

Бехбуд БОТИРОВ

Кўпчиликка маълумки, Арктика музликлари қатлами шимолий кутбга томон қисқариб бораётди. Умумий майдони тахминан 21,3 млн. кв. км., шундан 14,2 млн. кв. км. сув юзасига тўғри келадиган Арктикада музликлар ўтган 8 йилда қарийб 2 млн. кв. км.га чекинган, энг ачинарлиси, ҳар йили ёзда кўпроқ музликлар эрий бошлади, бироқ қишда уларни музлаш даражаси тобора камайиб бораётди.

Арктик минтақанинг мақоми БМТнинг Денгиз ҳуқуқи конвенцияси (ДХҚ) томонидан аниқланади. Ушбу ҳужжатни етти арктик мамлакат имзолаган ва ратификация қилган. Саққизинчи давлат — АҚШ ушбу келишувнинг яратилишида муҳим роль ўйнаган, аммо ҳалигача уни имзоламаган. Айни дамда Москва унинг арктик қитъавий шельфи Россия ҳудудининг давоми эканлигини исботлаш учун илмий экспедициялар ташкил этаяпти. ДХҚга биноан бу русларга минтақада ўзларининг суверенитет ҳудудини кенгайтиришга имкон беради.

Арктикадаги қуруқлик Россия, Канада, АҚШнинг Аляска штати, Дания (Гренландия) ва Норвегия (Шпицберген) ҳудудларининг бир қисмини ўз ичига олади. Айнан шу жиҳатдан ҳам мазкур давлатлар шимолий кутб бўйича ўз ҳаққларини бошлашган. Хусусан, Канада музликлар маконига жуғрофий жиҳатдан энг яқин давлат бўлиб, Арктиканинг шимолий-ғарбий қисмига асосий даъвогар. Аммо бундай "эгаллик" оsonлиққа кўлга киритилганига ўхшамайди. Чунки минтақадан кемалар ўтиш жойи борасидаги бахс-мунозаралар Оттава ва Вашингтон ўртасида бир неча йиллардан буён давом этмоқда. Канадаликларнинг фикрича, Арктикадаги кемалар қатнайдиган шимолий-ғарбий ҳудуд мазкур давлатнинг бир қисмидир. Шимолий муз океанининг бир бўлаги, айна пайтда Атлантика ва Тинч океанини туташтириб турувчи ушбу ҳудуд стратегик жиҳатдан муҳим жой саналади. Боиси, музлар эриши шу тариха давом этса, ҳудудда Шимолий

Американинг Осиё билан боғловчи энг яқин йўл очилиши мумкин. Бу ҳозир Панама орқали ўтаётган йўлдан 6500 км. яқинроқ бўлади.

Шимолий-ғарбий қисмни мамлакатнинг ички денгиз ҳудуди деб ҳисоблайдиган канадаликлар АҚШ Мичиганга қандай ҳақли бўлса, Канада ҳам шимолий ҳудудларга шунчалик ҳақли, деб ҳисоблайди. Вашингтоннинг қарашлари эса ўзгача: минтақа очик уммоннинг бир қисми, шундай экан, ҳар қандай мамлакат руҳсатисиз у ерга кириши мумкин. Сисётшуносларнинг фикрича, АҚШ қучқудратга эга давлат бўлса-да, аммо мамлакат Арктикадан бироз узоқроқда жойлашган. Канада Арктика билан ён қўшни, лекин ҳарбий қудратга эга эмас. Шунинг учун Арктикага эгаллик қилиш учун ҳар икки давлат бир ёқадан бош чиқариши лозимлиги таъкидланмоқда.

Арктикада музликлар эриши янги сув ва халқаро савдо йўлларининг пайдо бўлишига олиб келади. Натижада ҳудуднинг улкан углеводород захираларини ўзлаштириш оsonлашади. Бу эса минтақадаги геостратегик динамикани ўзгартириб юборади, — деб ёзади Буюк Британиянинг "The Guardian" нашри. — Европалик мутахассисларнинг айтишича, ҳозирги кунда музликлар билан қопланган Шпицберген оролларида йирик нефть ва газ бойликлари мавжуд. Агар глобал иқлим иссиқи ана шу энергия манбаига йўл очса, у ҳолда Россиянинг нафақат Норвегия, балки бутун ғарб олами билан муносабатлари мураккаблашади. Шу боис Норвегия НАТО қўшинларини — русларни ташишининг ўта муҳим йўллари қўриқлаш учун жалб этишни таклиф қилмоқда.

Турли давлатлар Арктикага эгаллик қилиш борасида кўпроқ ҳарбий йўллардан фойдаланмоқда. Хусусан, яқинда минтақада НАТОнинг яна бир йирик амалиёти ўтказилди. Бу сафар машғулотлар Швеция Арктикаси ҳудудида ва Болтик денгизининг шимолий қисмида ташкил этилди. Мазкур жараёнда Норвегия, Буюк Британия, Германия, Польша ҳарбий кучлари иштирок этди. Бундан таш-



қари, НАТОга аъзо бўлмаган Швеция ва Финляндиянинг ҳарбийлари ҳам амалиётда қатнашди. Жорий йилнинг майида НАТО Шимолий денгизда ўзининг ҳамкорликдаги мунтазам машғулотларини ўтказишни мўлжалламоқда. Унда кўплаб жанговар кема ва ўнлаб самолётлар, «шимолий баҳсли ҳудуд»да ҳаракатланиши кўтилмоқда. Ўз навбатида АҚШ ҳам шу йилнинг июнь ойида Аляскада 10 кунлик махсус ҳарбий амалиёт ўтказишни режалаштирмоқда.

Россия ҳам Арктика ҳудудида фаол кампания олиб бораётган давлатлардан. Расмий Москва Франц-Иосиф ери ва Баренц денгизининг шимолий-шарқий қисмида ҳарбий ва фуқаролик объектлари қураётгани Кремлнинг мақсади жиддий эканлигидан далолат беради. БМТнинг денгиз ҳуқуқи бўйича Конвенциясига асосланган Москва наздида мамлакат ўзига чегарадош ва яқин минтақада жойлашган ҳудуднинг табиий бойликлари эгаллик қилиш ҳуқуқига эга. Минтақада ўзининг талабларини мустахкамлаш, шунингдек, НАТО кучларининг шимолда фаолашишига жавобан Москва ҳарбий ҳаво кучларининг Арктика устидаги парвозини кўпайтирди ва Арктик океанда кўриқлашни олиб бориши мумкин бўлган янги музлар, кемалар флотини яратишни мўлжаллаган. Россия бош вазири Владимир Путиннинг фикрича, Арктика мамлакатнинг стратегик, иқтисодий, илмий ва мудо-

фаа манфаатлари учун жуда муҳимдир. Россия ва Норвегия анчадан буён Баренц денгизи юзасидан тортишмоқда. Маълумки, бу ерда нефть ва газнинг улкан захираси мавжуд. Шунингдек, денгиз Россиянинг Мурманск портидан энергоманбаларни экспорт қилиш учун муҳим сув йўли саналади. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, Россия Баренц ва Кара денгизлари ўртасидаги Янги ер оролида оқ айиқлар, моржлар, шимол буғулар ва қўшларнинг кўпайиши сақлаш учун қарийб 3 млн. кв. км. улкан майдонда миллий бог ташкил этишни эълон қилган.

Ҳозирча даъвогар мамлакатлар ўз стратегиялари бўйича ҳаракат қилишмоқда. Қизиғи шундаки, бир неча ўн йилликлардаги тахмин этилаётган мазкур мавзудаги баҳслар билан яқин келажакда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам шуғулланиши мумкин. Кузатувчиларнинг фикрича, арктик давлатларнинг бу каби ҳаракатлари очик масалани халқаро ҳуқуқ эмас, мамлакатларнинг ҳарбий қудрати ҳал қилаётгандек тасаввур уйғотади. Агар вазият шу тарзда давом этса, яқин орада Арктикага "кўз тикаётганлар", муз остига яширинган ҳазиналар учун даъвогарлар сони янада кўпайиши мумкин. Табиий бойликлари кўлга кириштиш борасидаги бундай ҳаракатлар сайёрамиздаги бетакрор Арктика экосистемасига тузалмас зиён етказиши турган гап.

**Арктика - Ер шарининг Шимолий кутубида жойлашган. Арктика Шимолий муз океани, ундаги ороллари (Норвегия қирғоқлари ва яқин ороллардан ташқари), Атлантика ва Тинч океанларининг шимолий қисмларини ҳамда Евроосиё ва Шимолий Американинг шимолий чекка қисмларини ўз ичига олади. Одатда Арктиканинг жанубий чегараси Шимолий кутб доирасига деярли тўғри келади.**

## РАНГИНДУНЁ

Махфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,  
«Milliy tiklanish» мухбири

**Ер шарини шу кунга қадар қанчадан-қанча сайёҳлар айланиб чиқмаган дейсиз. Кимдир гўзал ва бетакрор табиатни ўз кўзи билан кўришга ошиқса, яна кимдир бутун дунёни кезиб, шон-шухрат сари интилади. Ана шу чексиз орзулар сабаб, сайёрамиздаги инсон оёғи етмаган ерлар кашф қилингани сир эмас. Шундай экан, ўз ҳаётини хавф-хатарга қўйиб, турли машаққатларни енгиб ўтган «жаҳонгашта»лар ҳақида оз бўлса-да тўхталиб ўтишни жоиз топдик.**

Аксарият дунё сайёҳлари асосан шарқдан-ғарбга ёки ғарбдан-шарққа қараб йўл олгани тарихдан яхши маълум. Бироқ, илк бор жанубий кутбдан шимолий кутбга 1979 йили англиялик Раһул Файнс ва Чарльз Бертонлар саёхат қилишган. Улар Темза дарёси қирғоғидан «Банджи Би» («Бенджамин Боурин») кемасида йўлга чиқиб, Атлантика океани орқали музликлар оралмига етиб келишди. Сайёҳлар 66 кун деганда Антарктидани моторли қайиқда кесиб ўтишди. Элимер архипелагида (Канада) қишни ўтказгач, нихоят 1982 йили 11 апрелда улар шимолий кутбга кириб келишган. Экспедиция қатнашчилари 3 йил давомида 56325 км. йўл босиб, «шимолий кутбнинг илк сайёҳлари» номига сазовор бўлишди.

Сайёрамизнинг пийёда кезган кишилар ҳам оралимида оз эмас. Айниқса, бу саёхат қадимида, техника ривожланмаган даврда нихоятда оmmалашган эди. 1897-1904 йиллар ичида Ер шарини биринчилардан бўлиб пийёда айланиб чиққан Жорд Матью ана шундай инсонлар си-



## Саёхат ишқибозлари

### ЁХУД ДУНЁ КЕЗГАН ЖАҲОНГАШТАЛАР ҲАҚИДА

расига киради. Бироқ, «Гиннеснинг рекордлар китоби»да Дэвид Кансту «илк пийёда саёхатчи» дея расман тан олинган. Манбада келтирилишича, у ер шарини айланиб чиқиш мақсадида 1970 йили йўлга чиқиб, 1974 йили юртига қайтган. Мазкур сафар чоғида Дэвид салкам 22 та жуфт оёқ кийим алмаштиришига тўғри келган экан.

«Гиннеснинг рекордлар китоби» хусусида сўз кетар экан, ундан жой олган машҳур саёхатчилар ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Масалан, Адау Аззу илк бор ер юзини (35.000 км. масофани) отда (1982-86 йилларда) айланиб чиққан. Яна бир аjoyиб рекорд белгийлик Бруно Лионенга тегишли бўлиб, у 109 та шаҳар ва 52 та давлатни самолётдан туриб томоша қилган. 24 яшар французлик талаба Ив Боне эса велосипедда 75000 км. масофани 1500 кундаёқ айланиб чиққан. Канаданинг энг таниқли кишии Рик Хансен эса ноғиронлар аравачасида 40000 км. йўлни 26 ой деганда босиб ўтади.

Саёхатчилар ҳақида гап кетганда беихтиёр кўз олдимизга таниқли ёзувчи-географ Жюль Верннинг «80 кун дунё бўйлаб» романи келади. Бироқ, ҳозирги замон олимлари романдаги Филлес Фогнинг саёхатини шунчаки эртаққа йўйишмоқда. Чунки, бу муддатда ер юзини айланиб чиқишнинг ўзи бўлмас экан. Англиялик географлар бир қатор

таниқли темирйўл мутахассислари, «Кука» ҳамда «Ллойда» денгиз компаниялари билан маслаҳатлашган ҳолда ана шундай ҳулосага келишган. «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан олинган маълумотларга қараганда, 1992 йили хиндистонлик эр-хотин Саоло ва Нинис Чоудрилар ана шундай саёхатга чиқишди. Улар 40500 км.лик масофани 39 куну 7 соатда босиб ўтишди. Қизқарқис, саёхатчилар олти қитъани ҳар хил транспорт воситалари ёрдамида айланиб чиқадилар. Доимий қор, ёғмир ва жазирамага қарамай жуфтлиқ кунига 1200 км. йўл юрган.

Яқинда яна бир аjoyиб саёхатни британиялик сайёҳ Жефф Холт амалга оширди. Айтишларича, у кўл ва оёқлари ишламаслигига қарамай яқка ўзи Атлантика океанини елканли қайиқда сузиб ўтган. 1984 йилда Холтнинг навбатдаги саёхати чоғида унинг бўйин умуртқаси шикастланиб, кўл-оёғи ўзига бўйсунмай қолади. Шундан сўнг, бир неча йил давомида Жефф ўз устида ишлаб, қандай бўлмасин севган касбини давом эттиришга қарор қилади. У ноғиронлар аравачасида ҳаракат қилиш учун махсус яхта қурдиради. Жефф Холт икки йил аввал Буюк Британия атрофини бир ўзи яхтада айланиб чиқади ва инсоният тарихидаги биринчи ноғирон саёхатчи номини олади. Шундай бўлса-да, орқага чекинмай, яна ҳам

машаққатли меҳнатни мақсад қилади. 2009 йил 10 декабрда Лансароте оролидан ўзининг «Ушалмас орзу» елканли қайиғида йўлга чиққан Жефф 2010 йилнинг 8 январь кун Атлантика океанини (4.345 км. масофани) кечиб ўтиб, Кейн Гарден бўғозига етиб боради. Қирғоқда эса унинг аёли Элейн ва ўғли Тимоти кутиб олади. У машаққатли меҳнати эвазига нафақат «ушалмас орзу»га эришди, балки инсоният тарихида ўчмас из қолдирган буюк сайёҳлар қаторидан ўрин олди.

Айрим маълумотларга кўра, олимлар инсонларнинг саёхат қилишга бўлган иштиёқи олдингига қараганда анча пасайганини эътироф этишмоқда. Шундай бўлса-да, орамизда «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан жой олиш мақсадида ер юзини айланиб чиқишга қодир кишилар ҳозирги кунда ҳам йўқ эмас.

Масалан, 45 яшар австралиялик кинорежиссёр Ричард Пейн Японидан АҚШгача бўлган масофани, яъни Тинч океанини (9 минг км.) пластмасса идишда сузиб ўтишни режалаштирмоқда. Ричарднинг айтишича, бу ҳаракати билан у инсонларнинг атроф-муҳитнинг ифлосланиш муаммосига жиддий аҳамият беришига қаратишдан иборат экан. У 2011 йилга келиб мингдан ортқ оддий пластмасса идишлардан ясалган гигант пластмасса кемада саёхатга чиқишни мўлжалламоқда. Шунингдек, саёхат чоғида у «Улкан Тинч океани доғи» номи қичқидан йиғилган катта сузувчи оролга кириб ўтишни ҳам мақсад қилган. Айни пайтда ушбу конструкция ҳозирча лойиҳа қўрилишида ҳолос. Кунига 10 соат, ҳафтасига эса 5 кун ана шу бутилкада сузишни кўзлаган Ричард бошқа пайтда ёнидаги кузатувчи қайиқда бўлишини ҳам маълум қилган.

## ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

### Навбат "Ксинтия"га

**"Ксинтия" тўғони Франция ғарбига катта талофат келтирмоқда.**

Табиий офат оқибатида юздан зиёд одам ҳалок бўлди, бедарак йўқолганлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. "Euronews" телеканали тарқатган хабарларга кўра, кучли тўфон тошқин келтириб чиқаргани оқибатида экин майдонларига катта зиён етган. Эслатиш жоизки, 2009 йили "Клаус" тўғони Францияга 1,86 миллиард евро миқдорида зарар етказганди.

### Савдо таъқиқланди

**Эндилликда АҚШ дўконларида болаларга мўлжалланган зарғарлик буюмлари савдоси таъқиқлаб қўйилди.**

Бунга мазкур буюмларни тайёрлашда фойдаланиладиган қадимий моддаси турли хасталикларни келтириб чиқараётгани сабаб бўлмоқда. ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, бола узоқ муддат таққан бундай безаклар ўзидан заҳарли модда чиқариб, буйрак ва жигара зарар етказиши. Оқибатда тана заҳарланиб, суяклар емирила бошлайди. АҚШда фарзандига билагузук ва занжир олиб берганлар талайгина бўлгани учун мазкур хабардан ота-оналар таҳликага тушмоқда.

### Бозор ёнида

**Афғонистон жанубида жойлашган Гелманд вилоятидаги одамлар билан тирбанд бозорда амалга оширилган бомба ҳужумида камида 13 инсон нобуд бўлган, 45 киши тап жароҳати олган.**

Рейтерс хабарича, ходиса Лашкаргоҳ шаҳарчадаги деҳқон бозорида юз берган. Маҳаллий полициянинг айтишича, велосипедда ўрнатилган бомба бозорда ташлаб кетилиб, узоқдан бошқарилувчи ускуна орқали ишга солинган. Вилоят маркази Лашкаргоҳ НАТО етакчилигида Толибонга қарши кенг қўламли амалиётлар кечаётган Маржаҳга яқин жойлашган. Минтақада аксари АҚШ ва Буюк Британия ҳарбийлари жойлаштирилган.

### Конларда портлаш

**Хитойнинг Ванзялин қонида портлаш юз берган. Бу ҳақда Чин давлат телевидениеси хабар тарқатган.**

Ноҳуш воқеага чуқурликдаги қувурнинг ёрилиб кетиши сабаб бўлган, бунинг оқибатида кон сув билан тўлган. Қутқарув ишлари кеча-ю кундуз давом этмоқда. Хитой конлари дунёдаги энг хавфли ҳудуд саналиб, ўтган йили содир бўлган ҳалокатлар 2600 нафар кончининг ҳаётига зомин бўлган. АҚШнинг ғарбий Виржиния штатидаги конда ҳам содир бўлган ёнғин оқибатида 12 киши ҳалок бўлган.

### Баҳор совуғи

**Минглаб монғолиялик чўпонлар қутулмаган қаттиқ совуқ туфайли чорваларидан ажралиб қолмоқда.**

Халқаро қизил хоч ташкилоти вакилларининг фикрича, мамлакатдаги йиллар давомида илк бор кузатилаётган энг қаттиқ қиш қаҳратонида миллионлаб чорва моллари қирилиб кетган. Кузатувчиларнинг айтишича, энг кўп зиён кўрган оилаларга favкулудда ёрдам кўрсатиш ва захира-ларни қайта тиклаш учун 900 минг доллардан ортқ маблағга эҳтиёж бор. Ҳозир омон қолган чорва молларига ем-хашак етишмаётди. Ўтган февраль ойида Монғолияда ҳаво ҳарорати -40 даражага тушиб кетганди. Мамлакат аҳолисининг қарийб ярми чорвачилик, деҳқончилик билан шуғулланади. Уларнинг асосий даромадлари чорвадан келади. Хабарларга кўра, об-ҳаво май ойи ўрталаригача илимслиги эҳтимоли юқори, боз устига келаётган бир неча ҳафта қиш мавсумининг энг қийин даври бўлиши мумкин.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди



Баҳорнинг ҳавоси алдамчи, дейишади. Кун эмас, соат сайин ўзгариб туради. Эрталаб турсангиз кўш, зум ўтмай булутли ҳаво, ёмғир — бу яшариш фаслига хос хусусиятлар. Бу ойда тўрт фаслнинг барча жиҳатлари рўй берди: ёмғир ҳам, қор ҳам ёғди, об-ҳавонинг исииши, иилиши ҳам кузатилди. Хўш, ҳароратнинг бундай ўзгариши апрель ва май ойларида ҳам давом этадими? Олдинда бизни нималар кутмоқда? Биз шу ва бошқа саволларга жавоб олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази - «Ўзгидромет» етакчи мутахассиси Фотима Қосимовага мурожаат қилдик.

Сухбатдош: Б.БОТИРОВ

- Март ойи бошлари ва 19, 20, 21 март кунларида ҳаво ҳароратининг бироз пасайгани кузатилди. Бунинг боиси нимада?

- Дарҳақиқат, мамлакатимизда март ойда ҳарорат нисбатан пасайди. Бунга аввало Скандинавия ўлкасида ҳосил бўлган совуқ ва нам ҳаво Кавказдан ўтиб тезлик билан бизнинг минтақамизга етиб келгани сабаб бўлди. Оқибатда март ойининг биринчи ўн кунлиги, 11 мартдан 12 мартга ўтар кечаси Тошкентда 19,2 мм. қор ёққан, ҳарорат кечаси -2, кундузи +4 илқича пасайган. Тошкент вилоятининг Тўябўғиз ҳудудиде 27 мм., Жиззахда 28 мм.гача қор ёққан. Уша кунлари республикамизнинг деярли барча ҳудудларида қаттиқ шамол кузатилди. Хусусан, Фарғонада шамолнинг тезлиги баъзида секундига 25 метр, Термизда 26 метрни ташкил этганди. Умуман олганда март ойда 3 мартаба совуқ ҳаво оқимлари келиши кузатилди.

- Чарх авзойининг бу қадар «айниб туриши» иқлим ўзгаришидан дарак эмасми?

- Йўқ, бу мартга хос ҳаво. Тўғри, бу ойда ёғингарчилик

меъёридан кам бўлди, лекин бу сайёрамизда иқлим ўзгаришини англабмайди. Бунинг учун камида 50 йиллик маълумотларга таяниш керак.

- Республикаимизда келгуси бир неча кунлик об-ҳаво ҳақидаги маълумотлар интернет сайтларида ҳам мавжуд. Уларни қанчалик тўғри, деб ўйлайсиз?

- Интернетда об-ҳаволар ҳақида кўп маълумотлар бор. Хорижий сайтларда Ўзбекистон, хусусан пойтахт Тошкент ҳақида турли кўрсаткичлар туради. Афсуски, уларда бизнинг иқлимий шароитларимиз назарда тутилмайди. Шимолий минтақа ёки жанубий ҳудудлардан келаётган шамол ёки ёғинларни Ўзбекистон тоғлари тўсиб қолиши мумкинлигини ҳам инобатга олиш керак. Айтмоқчиманки, об-ҳаво ҳақида ҳар қандай маълумотлар берилаётганда шу ҳудуд, минтақанинг жўрофияси, иқлимига эътибор қаратиш лозим.

Айрим пайтларда бизнинг маҳаллий газеталар ҳам интернетдаги маълумотлардан фойдаланади. Яқинда ана шундай нашрлардан бири «yandex.ru»



## Бу йилги баҳор қандай бўлади?

сайтидаги маълумот асосида февраль ойининг баъзи кунларида 20-25° иссиқ бўлади», деб ёзган. Бу нотўғри маълумот.

Об-ҳаво жуда ўзгарувчан жараён. Гарчи янги асрда замонавий компьютер техникалари, синоптик, гидродинамик, статистик усуллардан фойдаланилаётган бўлсак-да, ҳар бир санани олдиндан аниқ айтиш мушкул. Биз тегишли жойларга беш кунлик об-ҳавони берамиз, кейинги бир ойлик башорат эса маслаҳатомуз, деб белгиланади. Боиси, юқорида қайд этилганидек, узоқ минтақалардан келаётган ҳароратнинг тезлиги, йўналиши ўзгариши мумкин.

- Одамлар орасида шундай гап бор: ҳавонинг кескин исииши ёки қутилмаган совуқ ҳам аслида яхшилик аломати эмас.

- Бу тўғри ва айтиш мумкин, неча йиллардан буён тажрибалиларда исботлаб келинган ҳақиқат. Бунга асосий сабаб — шимол ва жануб ҳаво оқимлари ҳар доим алмашиб туришидир. Масалан, февраль, март ойларида бир неча кун ҳарорат исиб кетса, билинги, бироз муддат ўтиб, об-ҳавонинг пасайиши кузатилади.

- Апрель ойи республикамизга қандай келади?

- Ўртача кеча-кундузлик ҳарорат апрель ойда меъёрга яқин,

баъзи жойларда ундан 1-1,5° даража паст бўлиши, ойлик ёғин миқдори эса меъёрга яқин, айрим жойларда ундан кўп бўлиши кутилмоқда. Бу эса бободехқонларимиз учун айни муддао бўлиб, мавсумий экинларни экиш учун қулайдир.

Хуллас, «Ўзгидромет»нинг барча вилоятларда ўрнатилган 79 та метеорологик станциялари ва ҳар 3 соатда шимолий ярим шардан олиб туриладиган маълумотлар асосида об-ҳавонинг ана шундай тахминий кўрсаткичлари белгиланган. Бу албатта, мутахассис айтганидай, баъзан ўзгариши мумкин, лекин эътибордан четда қолдириб ҳам бўлмайди.

## МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

### «Тикансиз типратикан»

Хоразм вилояти Оғаҳий номидаги мусикали драма театрида режиссёр Усмон Қаландаров томонидан сахналаштирилган, Шароф Бошбеков қаламига мансуб «Тикансиз типратикан» асари сахнага қўйилди.

Драмада ташқи дунёдан ажралиб, холи қолган ёшлар ҳаёти акс эттирилган. Катта ҳаёт оstonасида турган ёшлар ноҳақлик, хиёнат, мансабпарастлик сингари иллатларга ота-оналарнинг ҳам иштирок этганини қабул қила олмайдилар. Қаҳрамонлар ўйи, фикр-мулоҳазаси, мунозаралари орқали ҳақиқий соф, беғубор ҳаёт улар тушиб қолган бир хилват кудукда намоён бўлади. Асарда асосий роллар театрининг ёш актёрлари Икром Эрназаров, Санъат Отахонов, Нодира Бекчанова, Отабек Ёқубов томонидан маҳорат билан ижро этилди.

## Хаваскор фотосуратчилар танлови

Бухоро вилоят халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик марказида «Баркамол авлод йили»га бағишлаб, хаваскор фотосуратчиларнинг вилоят кўриги ўтказилди.

Унда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан қарийб 20 нафар фотохаваскор қатнашди. Танловда Қоровулбозор туманидан Шухрат Нигматов биринчи ўринга лойиқ, деб топилди. Иккинчи ўрин Ромитан туманидан Жасур Фозилов ва Қорақул туманидан Мавлуда Қурбоновага насиб этган бўлса, учинчи ўринни ғиждувонлик Дилшод Эрдўстов ҳамда Пешку туманидан Шаҳоб Хамидов эгаллади. «Кўргазманинг энг ёш иштирокчиси» номинацияси бўйича Бекзод Болтаев ғолиб бўлди. Фототанловда вилоятнинг Жондор, Когон шаҳри иштирокчилари рағбатлантирувчи мукофотга эга бўлдилар.

Мухтасархон КАРИМОВА

## Муסיқа — тарбия воситаси

Муסיқага, санъатга ошўфта бўлишни истамаган қалб топилмас керак. Чунки у инсондаги энг зўла, латиф туйғуларни тарбиялаб, камол топтиради. Қуй ва қўшиқ кишини маънан ва руҳан улғайтиради.

Бугун мамлакатимизда муסיқа санъатини ривожлантиришга берилаётган катта эътибор ва рағбатнинг самараси ўлароқ ёшларимиз қалбида уни эгаллашга бўлган қизиқиш ва интилиш ортиб бормоқда.

- Санъат, хусусан, муסיқа — ўзгаллик тимсоли бўлиб, у инсонга эстетик завқ бағишлайди,- дейди Обиджон Абдурахмонов. - Шу сабабли муסיқа тарбия воситаси саналади. Миллий муסיқа орқали ўқувчи онгида миллий ғоямиз, миллий тафаккуримиз шаклланади.

Обиджон Абдурахмонов Андижон вилояти, Жалақудуқ тумани, Ойим қишлоғидаги 32-умумтаълим мактабиде ўқувчиларга муסיқа фанидан дарс бериб келмоқда. 2009-2010 ўқув йилидаги «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрик-танловининг туман, вилоят босқичларида фахрли 1-ўринни эгаллаган О.Абдурахмонов айна кунда республика босқичига тайёргарлик кўрмоқда.

Руқия УМАРОВА

## ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ

Сарвинознинг шахматга бўлган қизиқиши жуда эрта уйғонди. У илк бор шахмат доначаларини тахтага териб, мустақил равишда ўйнай бошлаганида атиги беш ёшда эди. Қизалоқни спортнинг бу ақлий турига жуда эрта қизиқиш уйғониши бежиз эмас.

## Ўн карра мамлакат чемпиони ЁХУД САРВИНОЗНИНГ БАХТЛИ ОНЛАРИ

Анорбой НОРҚУЛОВ,  
«Milliy tiklanish» мухбири

Чунки у шахматчилар оиласида туғилган. Сарвинознинг отаси Каримберди ака Боёв туманида шахмат бўйича биринчи разрядли спортчилардан саналади. Сарвиноз тиришқоқ, қобилиятли эканлиги билан эътиборга тушди. Шу боис, ўйинни тезда, пухта ўзлаштириб олди.

Хаттоки, оила даврасидаги беллашувларда отасини ҳам доғда қолдирадиган бўлди. Қизидеги иқтидорни сезган Каримберди ака у билан жиддий шугулланди. Кейинчалик тумандаги мохир шахматчилардан бири, халқаро спорт устаси Маматкул Хайлаевга шогирдликка берди. Спорт устаси ёш қизалоқ билан яқиндан шугулланди, мураббийнинг тинимсиз қилган меҳнатлари, саъй-ҳаракатлари бесамар кетмади.

Сарвиноз Қурбонбоева 9 ёшга тўлган пайтида илк бор мамлакат чемпиони, деган юксак шарафга эга бўлди. У 2003 йилнинг август ойда республикамиз пойтахтида 10 ёшгача бўлган қизлар ўртасида ўтказилган мамлакат бўйича шахмат мусобақасида муваффақиятли қатнашиб, ғолиблик шохсупасини эгаллади. Ёш спортчи 2004 йили Греция мамлакатиде ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этиб 100 дан зиёд хорижий давлатлардан келган тенгдошлари билан бахслашди ва бу беллашувда ҳам катта ютуқлар билан мамлакатимизга қайтиб келди. Ёш шахматчи 2004-2009 йиллар давомида юртимизнинг турли шаҳарларида бўлиб ўтган республика чемпионатида қатнашиб, саккиз марта мамлакат чемпиони бўлди. Сарвиноз бундан ташқари, Франция, Грузия, Бирлашган Араб Амириклари, Эрон, Вьетнам, Туркия каби давлатларда ўтказилган мусобақаларда иштирок этиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

2009 йил ёш шахматчи учун омадли кел-

ди. Шу йили у мамлакатимиз олий лигасидан ўрин олди. Куз ойда Туркияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида қатнашиб, қувончли натижаларни кўлга киритди. Ёш спортчи шода-шода медаллар билан юртига келганида уни устозлари ва қишлоқдошлари қувончли хабар билан қарши олдилар. Боёв тумани Хотин-қизлар кўмитаси томонидан 9-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Сарвиноз Қурбонбоевнинг номзоди Зулфия номидаги Давлат мукофотининг маданият ва спорт йўналиши бўйича тавсия этилди. Бу хушбахтардан қизалоқнинг боши кўкка етади. Сарвиноз номзод сифатида кўрик танловнинг туман, вилоят босқичларида муваффақиятли иштирок этди. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати синовларидан муваффақиятли ўтиб, ўз иқтидорини намойиш этди. Омади қулиб, республика босқичига йўланма олди. Республика комиссияси томонидан иқтидорли, ёш спортчининг фаолияти муносиб баҳоланди. Мамлакатимиз Президентининг шу йил 3 мартдаги «Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида»ги Қарорига асосан Сарвиноз Қурбонбоева Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

«Баркамол авлод йили» боёвутлики ёш шахматчи қиз учун жуда омадли бошланди. У қўшалоқ ютуққа эга бўлди. Ёнг аввало, юртимизнинг нуфузли мукофоти соҳибаси бўлди. Иккинчидан эса яқинда мамлакатимиз пойтахтида Георгий Аъзамов номи республика шахмат-шашка клубида шахмат бўйича чемпионатда иштирок этиб, ўз маҳоратини яна бир бора намойиш этди ва фахрли биринчи ўринни эгаллади. Энди у Греция мамлакатиде бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиб, юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Сарвиноз 15 ёшда ўзининг бор мамлакат чемпионлигини кўлга киритди.

## ЎГИТ

Жон аро иллат эрса ёширин,  
Ул асал бирлан баса бўлмас ширин.

\* \* \*

Тўғри йўлда кимса этгайдир амал,  
Йўқ эса устози, топгаймۇ самар?

Жалолдин РҲМНЙ

## БИЛАСИЗМИ?

XIX асрда оммалаша бошлаган «жалози» француз тилидан таржима қилинганда «ҳасад», «рашқ» маъносини билдиради.

Бойкуш 270 даражага бошини бура олади. У қўшимча умуртқа погоналари ва махсус мушаклар эвазига ана шундай хусусиятга эга.

## ТУРФАОЛАМ

### Чичен-Ица сотиб олинди

Майя ҳиндуларининг қадимий маркази Чичен-Ица жойлашган 83 гектарлик ҳудуд Мексика ҳукумати мулкига айланди.

Маълумки, ушбу ҳудуд шу кунгача шахсий мулк ҳисобланар эди. Ютакан штати губернатори Ивонн Ортега ва ер эгаси Ханс Юрген Тиес Барбачано ўртасида бундан роппароса бир йил аввал музокаралар бошланиб, жорий йилнинг мартида нихоясига



етди. Барбачанонинг таклифини инобатга олган ҳукумат унга тегишли ер учун 220 млн. песо (17,8 млн. доллар) беришга қарор қилди. Манбада айтилишича, ҳукумат ушбу тарихий шаҳар ҳудудини Ютакан маданий меросини сақлаб қолиш мақсадида сотиб олган. Негаки, айнан шу ерда майя ва тольтекларга хос қадимий иморатлар, 9 погонали Кукулькана пирамидаси, бир неча ибодатхоналар, расадхона, тўп ўйнаш майдони мавжуд экан. Қолаверса, Чичен-Ица ЮНЕСКО томонидан тан олинган, дунё маданияти мерослари сирасига кирувчи қадимий шаҳар ҳисобланади. Ёдингизда бўлса, 2007 йилги сўров натижаларига кўра Чичен-Ица дунёнинг янги етти мўъжизасидан бири, дея эътироф этилган эди.

### Янги инсон вакили

Антропологлар ҳозирча фанга мутлақо номаълум бўлган янги инсон вакилига дуч келишди.

Олтойдан топилган эски суяк қолдиқларини генетик таҳлилдан ўтказган немис олимларининг тахминига кўра, қадимда ушбу ҳудудда неандерталлар билан бирга замонавий инсонга ўхшаш одамлар ҳам яшаган экан. Мазкур топилма аслида рус олимларига тегишли. Бироқ, улар суяк қолдиқлари устида жиддий иш олиб боришмаган. Орадан бироз вақт ўтгач, россиялик антропологлар Германия антропология институти олимларидан ёрдам сўрашади. Шундан сўнг, суяк қолдиқлари ДНК таҳлилидан ўтказилиб, уларнинг бари неандерталларга қадар Африкада яшаган ва бир замонлар Олтойга келиб қолган қадимги инсонга тегишли экани маълум бўлади. Шунга қарамай, олимлар бу борада тугал бир хулосага келишгани йўқ. Яқин кунлар ичида топилма яна бир карра чуқур ДНК текширувидан ўтказилиб, бошқа генларга ҳамоханг равишда солиштириб кўрилар экан.



### Чекиш интеллектни пасайтиради

Олимларнинг фикрича, сигарета чеккан инсон нафақат жисмонан, балки ақлан заифлашиб боради.

Сўнгги йиллар ичида шифокорлар чекиш туфайли келиб чиқадиган бир талай касалликларни «кашф» этишга улгуришди. Ушбу «қора» рўйхатда юрак ва қон-томир хасталиқларидан тортиб, ўпка саратонигача бор. Яқинда эса исроиллик олимлар чекишнинг яна бир зарари ҳақида омmani огоҳ этишди. Уларнинг таъкидлашича, чекиш инсоннинг интеллектуал салоҳиятини пасайтирар экан. Америкалик олимлар эса тамаки тутуни таркибида кўплаб микдорда захарли канцерогенлар борлигини аниқлашга муваффақ бўлишди. Айниқса, кашанданинг устки кийимида бу каби захарли канцерогенлар нихоятда кўп экан. Тамаки тутуни турли молекулалар билан реакцияга киришса борми, унда ўта хавфли кимёвий бирикма ҳосил бўлармиш. Ёнг даҳшатлиси, тамаки нитрозаминлари саратон касаллигини кўзгатувчи бирламчи омил экан. Шу боис, шифокорлар чекмайдиганларга уст-бошидан тамаки иси анқиб турувчи инсонлардан нарироқ юришни тавсия этишмоқда.

3.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Исаков Ахроржон Тошпулатовга тегишли Шайхонтоҳур туман Қоратош кўчаси, 102-уй, 37-хонадоннинг уй режа плани йўқолганилиги сабабли БЕКОР ҚИНАДИ.

### ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Фолиб-  
шер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖИДДИНОВ, Мухам-  
маджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ,  
Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА,  
Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ,  
Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:  
Жалолиддин САФОВ

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун тахририят жавобгарлиқни ўз бўйнига олмайди.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000,  
Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй  
e-mail: milliyt@sarkor.uz

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.  
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги  
томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.  
Буюртма — Г 323, Адади — 5444

Газета тахририят  
компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371)  
234-69-55, 234-87-74,  
234-87-73, 234-86-41  
ФАКС: 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ  
офсет усулида босилди.  
Қўғоз бичими А-2

Саҳифаловчи:  
Акбар ШОДИЕВ  
Навбатчи муҳаррир:  
Бехбуд БОТИРОВ  
Навбатчи:  
Камолиддин ХОТАМОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмахонасида чоп этилди.  
Қорхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй  
Босишга топшириш вақти — 21.00.  
Топширилди — 21.50.